

ДҶОИИ

27083



«МУШТУМ» КУТУБХОНАСИ

№ 1

/85/

ХУРОФОТ — ОФАТ!



Хурофот—офат

ДОМЛА УЙЛАНДИЛАР

(Ҳикоя, ҳажвия, интермедия ва шеърлар)

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти

Тошкент — 1987

Динга, ўтмиш сарқитларига қарши курашда сатирик мавзуда ёзилган кичик бадиий асарлар алоҳида аҳамиятга эга. «Муштум» саҳифаларида атоқли ўзбек адиблари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорлар ўзларининг ўткир ҳажвиялари билан фаол қатнашиб, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда катта хизмат қилганлар.

Мазкур тўпламга машҳур адибларимизнинг ҳажвий асарлари билан бирга ҳозирги кунда қалам тебратаетган ёш ҳажвчилар ижодидан ҳам айрим намуналар эълон қилдик. Уйлаймизки, бу тўпламча китобхонларимизга манзур бўлади.

«Муштум» редакцияси.

ҲАМЗА

РЎЗА ТУТДИМ

**(Азимхўжа эшон Бинни Тошхўжа
эшоннинг оғиз боғлашлари)**

**Рўза тутдим нон учун,
Элга бир пардоз учун.
Сўрсанг ишнинг аслини
Мулла червон оз учун.**

**Рўза тутдим ор учун,
Ҳар куни ифтор учун.
Чунки ҳар ифторчининг
Бир чопони бор учун.**

**Рўза тутдим хатм учун,
Қорига мен ҳасм учун,
Тушганидан хаштияк
Тортиб олмоқ расм учун.**

**Рўза тутдим фитр учун,
Ҳам йиғишга ушр учун,
Бор закотин олмоққа
Камбағалга хитр учун.**

**Тубан айлаб бошимни,
Оқизиб кўз ёшимни.
Хилватни саҳиҳ айлаб,
Тушда урдим ошимни.**

**Амри маъруф, чиллалар,
Шубҳасиз, бу ҳийлалар,**

Барчасидан мақсадим
Танга, червон, тиллалар.

Гар бўлса нодон элим,
Авж олиб тургай келим,
Гўрга киргунча бошим,
Ғам юкин кўрмас белим.

Рўза тутдим ош учун,
Ушбу қалам қош учун.
Рўзасини сотамен
Бирор чеким нос учун...

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

РЎЗА, ИФТОР, ҲАТМ, ЗАКОТ

Рўза тутдим нон учун,
Нозу неъмат бор учун.

Бойлар-ку, албатта нозу неъмат ичида; аммо камбағал нозу неъматни каяқдан олсин?

Эрталабдан кечгача ипдек чўзилиб рўза тутган камбағал, қуруқ баркашнинг устига тўртта шафтоли қоқини тўкиб, шунинг билан оғиз очсинми?

Бу томонда, сиз саҳарлик ош учун ёғлиқ-жазлик палов пиширганингизда, нариги уйдаги бизнинг камбағал саккизта бити билан саҳарлик қилсинми?

Сизнинг қилдирадиган ифторлигингиз юзидан қон томган уламолар, «дам чиқарса» таҳорати ушалмаган бойлар учунгина бўлгандан кейин бечора камбағал «этмаган жойга йўнмаган таёқ» бўлсинми?

Сизнинг мурувватингиз, шафқатингиз, марҳаматингиз шу бўлгандан кейин бечора ишчи рўза тутиб, ишлай олмай бола-чақасини оч қўйсинми?

Ишчи, нафақаи аҳли аёл учун¹ рўза тутмай ишласа, тагин сизнинг таъна-товбангизга нишон бўлсинми? Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бой гапирсину — бойвачча гапирсин; камбағални туянинг устида ит қопсинми?

¹ Оиласини боқиш учун.

Бўлмаган гап, ярашмаган қилиқ, ёпишмаган ширачи

Рўза ойининг муҳим нуқталаридан бири шу ифтор ва таъна-
товба масаласи бўлса, иккинчиси ҳатмдир. Аммо биз бу масала
устида узоқ тўхтамаймиз. Чунки масала очик. Биров ҳатм қилди-
рар экан ва ё бу йилги рўзада ҳатм кўпайган экан, «эшак эшак-
дан қолса қулоғини кесар», деган сўздир. Майдонда бундан
бошқа нарса йўқ.

Ҳатм қилувчи — қорилар устида тўхталсак:

— Бу йилги рўза ҳатмининг баҳоси бир миллиард!

Мана бу қуръонфурушларнинг елиб-югурганларининг нима
учун бўлганлиги кўрга ҳассадир. Бас ҳатм қилдиргувчиси анув
мақсадда, қориси бу мақсадда бўлгандан кейин, орадаги савоё,
фалон деган сўзлар елаки-ҳазилаки гаплар бўлиб қоладир.

Рўза ойининг учинчи нуқтаси закотдир. Закот, Холмирза
поччангизнинг билганларича бундайдир:

— Поччангиз ҳар йили етти кунлик ҳисобдан кейин закот
ақчасини битта кепчикка солиб, ўзларининг катта қийиғлари
билан яхшилаб боғлайдирлар. Шундан кейин секингина саржинчи
Турсунбойни чақириб, уни яхшилаб ифтор қилдирадирлар. Шун-
дан сўнг ҳалиги кепчикдаги маблағ закотни Турсунбойга тақдим
қилиб:

— Ушбу кепчикни закотимиз важдан қабул қилдингизми?

— Қабул қилдик!

Бу вақт поччангизнинг кўзлари така-пука бўлиб, дарров ҳозир-
ланиб қўйилган йигирма бешталикни Турсунбойга узатиб:

— Қўлингиздаги кепчикни шу пулга сотдингизми?

— Сотдим.

Кепчик поччангизда — қайтган мол ўзлариники. Закот ўталди,
топган-тутган луқмаёи ҳалол!

Рўзибой хожининг закот бериши ундан ҳам содда:

— «Хў-ўш» деганингиздан билсак, қани чўтни олинг-чи — беш
юз миллионни трамвойда кисавурга олдирдик; бир миллиард вагон-
да кондукторга пора берилди, олти юзни домахонанинг иштира-
фига тўладик, бир ярим миллиардлик мол Масков йўлида йўқол-
ди... Жамъулжамъ бўлди: уч миллиард беш юз. Бу йилги беради-
ган закотимиз ҳисоби уч миллиард беш юз бўлса... Тавба, буни
қаранг-а... Берган закотимиз ҳисобдан бир оз оша тушипти..
Хайр, биздан кетса-кетсун, даргоҳида қабул бўлса бас!

Мана бу биздаги закот усулларининг энг соддалари кўп
йиллардан бери ишланиб келинмакда бўлган шаръиси!

Даъво — мусулмонлик, иш — бу! Ҳатминг, ифторинг, закотинг би-
лан қўшмозор бўли — деб айтатурган тилинг кесилгур бир уламо йўқ.

ЭНГ РАСВО НАМОЗИ-АСР

Тошкентнинг Қоратош ва Қўрғонтеги маҳаллалари бир-бирининг давомидай ерлар. Аслида-ку бу дўппидай ер бир маҳалла бўлиши лозим эди, ўша замонда ҳарна битта элликбоши кўпайсин, битта камбағалга қоровуллик тегиб қолсин деб бўлишган бўлса керак. Бўлмаса нима эмиш, биз ёшлигимизда яктагимизнинг этагини тугиб дум қилиб, иккита дўппидан қулоқ қилиб ялангоёқ пиёда-пойгага чопганимизда Қоратош-у Қўрғонтеги уёқда турсин, шунақасига Ёланғор, Эшак маҳалла, Тиконлимосор, Қўғирмоч маҳалла, Девонбеги — ҳаммасини бир зумда, «туф» деган тупукнинг кўпиги ўчгунча айланиб келар эдик. Паккамиз ҳам, маррамиз ҳам Лайлак мачитда бўларди. Ҳай, бу гаплар ўз навбатида яна айтилар...

Биз жуда ёш вақтларимизда бундан эллик-эллик беш йиллар илгари Қоратош маҳалласида Мўмин сурнайчи, Қўрғонтеги маҳалласида Толиб сўфи-ота деган икки чол яшар эди. Мўмин ота 1923 йилда бир юзу беш ёшида вафот қилган. Ўз сўзи билан айтганда у Нодирабегим, Мадалихонлар Бухоро амири томонидан сўйилганда гўёки «ғолиб» Амири Насруллонинг пароканда кўшинини Ўратепагача мажбуран кузатиб қўйган созандалар ичида сурнай чалиб борган экан...

Толиб сўфи-ота бўлса руслар Тошкентга келганда ўттиз етти ёшида бўлиб биринчи маротаба рус қолипида ғишт қўйган ғиштчилардан экан. Бир киши унинг ғашига тегса, кўкрагига уриб — «Ҳа, менда нима қасдинг бор, мен ярим пошшо¹нинг ўзи «молодес» деган йигитман! Унга оқ уй қуриб берган мен бўламан! Исловот²ни қурган ҳам мен бўламан! Устингдан ҳокимга арз қиламан!» дегувчи эди.

Хулласи бу икки чол бир-бирларига замондош, қадрдон дўст, жўра эдилар. Мўмин ота ўз ҳаётида неча ўн минглаб тўйда сурнай чалган киши. У мунгли «Наво»ни бутун савту-тароналари билан чалганда не-не қизлар эриб кетиб йигит қўйнига кирганини сезмай қолишган. У «Сувора»ни янграганда жанг майдони қизиб кетган, не-не паҳлавонлар, ботирлар от ўйнатиб ёвга босириқ қилганлар. У сурнай чалмагунча бирор уйда чақалоқ туғилганига ҳеч ким ишонган эмас. Ҳатто шундай воқеа ҳам бўлган эканки,

¹ Губернатор демоқчи.

² Исловот — Слобода сўзининг бузилгани. Солдатское Слобода ҳозирги 9 январь маҳалласи.

Мўмин отани кимдир жанозага айтиб кетибди. Унинг қулоғига «фалончининг хотини туғди» деб эшитилибди. Бир маҳал десангиз ўғиллари, Болтабой, Тешавойларни бошлаб қўш чилдирма, карнай, бир жуфт бачча билан кўча-кўйни шовқин-суронга тўлдириб «балли-бал-е-е-е»лаб қичқириб жанозанинг устига кириб боришибди. «Ҳай, ҳай»га қулоқ солиш қаёғда. Яхши ҳам шу ерда Наби миршаб турган экан «Чур-р-р» этиб хуштагини чалибди-да, қиличини яланглатибди:

— Бас, падарлаънат метарлар! Ҳаммангни қаматаман!

Ана шунда десангиз Мўмин ота тушмагур сурнайни «ғийқ» этиб тўхтатибди-ю, ковушини қўлга олиб, чилдирма қўлтиқлаган ўғилларини олдига солиб жуфтакни ростлаб қолибди. Бўлмаса маҳалла йигитлари, ўлик эгалари «оқ калтак», «қора калтак» қилишига сал қолган экан.

Тўй-ҳашам деган ҳар куни бўлавермайди, бола ҳам ҳар куни туғилавермайди, сурнай ҳар куни чалинавермайди. Агар сурнайчи узоқ вақт сурнай чалмаса лунжи тортишиб, қаришиб, дами калта бўлиб қолиши мумкин. Пахсачининг оёғи ишлайди-ю, сурнайчининг лунжи. Сурнайчи-карнайчиларни боқадиган мучаси ахир лунжи-да! Лунжи қанча кенг бўлса, ҳар бир лунж ҳўкизнинг пуфагидай шишилса, унда сурнайдаги узун авж ўзини кўрсатади. Шишиб турмаган лунж нима-ю, сувга ташланган қозон нима. Ана шу сабабдан Мўмин ота миққий боқар эди. Кўп одамлар Мўмин отага туҳмат қилиб, «бу чол қўш гўштига ишқибоз, овга чиқиб туради. Бедана уролмай келганда ғуррак ҳам еяверади», дейишса ҳам бу бўлмаган гап. Мўмин ота миққийни камоли касби важҳидан боқади. Бўлмаса томошага лайлак боқибти дегандек Мўмин отага миққийнинг нима кераги бор! Кераги шуки, ана шу миққийни ҳам боқиш керак. Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув бекорга айтилмаган. Хўш, миққий нима еб, нима ичади? Гарчанд миққий соҳибичангал ов қушлари ичида қирғий-қарчиғайдан орқада турадиган, беданадан бошқасини ололмайдиган қўш бўлса ҳам ўз чамасида илвосин ейди. Миққийнинг илвосини — тухуминг қурғур чумчуқ бўлади.

Хўш, Мўмин ота чумчуқни қаердан олади? Мачитдан. Тузоқ қўядими? Йўқ, бу муғомбир, ўғри чумчуқ тузоққа илиниб бўпти. Мўмин ота чумчуқларни туппак билан овлайди. Туппак деганимиз бир қулочдан узунроқ ёғоч, ичи ҳавол найсимон асбоб бўлиб, қавагию ёш боланинг жимжилоғи сиғади, холос. Мўмин ота бир кафт тоза соз лойга қўлида обдан ийлов бериб, ундан хом олчадай зувалак узиб, оғзига солиб, оғиз нами билан «Лў-лў-лў» қилиб ғўлак ясайди. Ғўлак тайёр бўлиб оғизда туради, кейин чумчуқ мўлжалга олинади. Ғўлакни туппакнинг тешигига қўйиб, лунжини шишириб бор куч билан «пуп» деб отилади. Қарабсизки, чумчуқ

оёғингизнинг тагига қулаб тушибди. Мўмин отанинг лунжи ҳам машқидан қолмайди, сурнай чалиш учун доим шай бўлиб тураверди, уйда эса миққий ҳам тўқ. Ана — ҳамма сир шу! «Мўмин ота қуш гўштига ишқибоз!» деган одамлар бекор айтибди.

Қўрғонтеги маҳалласида бир кичик, деворсиз, ғариб мачит бўлгувчи эди. Мачитнинг ўзига ярашиқ хоноқоси, каттакони ҳовузи, ҳовуз атрофида икки юз чоғлиқ ар-ар тераги, бир ярим одам бўйи келадиган, хом гишдан ясалган, мезанаси; мезанасининг беш томондан ўйиқ дарчаси бор эди (Мақташга арзиганда-ку минора деб айтардим, аммо бу минора бўб бўпти, мезона эди, холос). Мачит ёнида эски мактабхонаси ҳам бор эди — мен шу ерда ўқиганман. Маҳалланинг имоми ва бизнинг домламиз Ҳасанбой номли ўттиз ёшли чиройлиқкина бир киши эди.

Толиб сўфи-ота лой ишларида узоқ вақт ишлаб чарчаб қолдиёв. У кунига икки мингдан ортиқ гишт қўйишга кучи келмай қолганда маҳалланинг катта-кичиклари ўртага олиб:

— Толиб ота, қўйинг энди, бас қилинг, қариб қолдингиз. Гишт қўйиш, иморат кўтариш ёшларнинг иши. Сиз мачитимизга сўфилик қила қолинг, бир кунингиз ўтиб қолар,— дейишди (бундан аввалги сўфи Исломбой ўта диндор ва нашаванд киши бўлиб, ўтган рамазонда намозшомга азон айтатуриб мезанадан мункиб кетиб жаннати бўлган эди).

Шундай қилиб Мўмин ота ва Толиб сўфи-ота бир-бировлари билан тотув, баҳамжиҳат, сирдош, улфат, бир қовоқдан нос олишиб, бир қумғондан чой ичишиб биттаси сурнайини чалиб, чумчуқ овлаб, биттаси сабаби тирикчилик-намозга, жанозага азон айтиб яшаб келардилар. Аслида-ку Мўмин отанинг боши саждага теккан эмас, намоз ўқимас эди. Қайси сурнайчи намоз ўқибдики, Мўмин ота ўқисин. Баъзи-баъзида Толиб сўфи-отани тўйга олиб бормоқчи бўлиб қолса, узоқдан туриб мезонадаги сўфига имларди:

— Толиб, Толиб,— деб қўлини лагандан ош егандай қилиб кўрсатиб, «Тўйга борамиз» деган ишоратни қилар эди.

Унга жавобан Толиб сўфи овозсиз қулоқ қоқиб, бир қўлини силтаб узоқни кўрсатарди. Бу: «Шошмай тур, мана буларнинг азонини айтиб берай, намозига турмайман, бирга кетамиз»— дегани бўларди. Бирга тўй оши ейишга кетар эдилар (Нафсамбирни айтганда қиз тўйининг оши бошқа ошлардан ширин бўлади-да!)

Афсус, афсус... Ҳамма ишга шайтон аралашмай турмас экан. Ўртада балои нафс деган нарсаси бор. Балои нафс бўлмаганда Мўмин отага лунжу — миққий, туппак, чумчуқнинг нима кераги бор эди? Балои нафс деган шайтон ўртада бўлмаганда Толиб ота

Толиб сўфи деган ном олмай тинчгина ғиштини қуйиб юравермас-миди! Тагин хўжайини — ўрис мастеровойга: «Моя совсем бог пойдеши» («Мен энди худойимнинг хизматига кетдим» демоқчи бўлса керак) деб ишдан бўшаб келганини айтмайсизми? Агар шайтон ўртага тушмаганда бу икки чолнинг тотувлиги ҳалигача чўзилиб келиши мумкин эди. Битта расво намозиаср сабаб бўлди-ю, бу икки дўст орасидан қора мушук ўтди, ит оралади, пахса ўрилди, икковларини иккита ола-буқа икки томонга қараб сузиб ажратди.

Воқеа бундай бўлган эди: Қўрғонтеги ўттиз чоғлиқ хонадонга эга кичкина бир маҳалла. Унга Иванов бойнинг пиво заводидаги гудогидай ўткир овозли ёш сўфининг кераги йўқ. Шунинг учун ҳам Толиб сўфининг минғир овози маҳаллага кифоя қилар эди. Унинг айтадиган азонини аслида азон деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Шунчаки бир ундов. Чунончи унинг: «Хай-ю, алас салот» деган товуши узоқдан: «Хайнан ҳано-о» бўлиб эшитиларди.

Бу кеч маҳалладаги намозхон хонадонларда намозхонлар таҳорат янгилаб намози-аср азон кутиб турардилар. Бирданига Толиб сўфи-отанинг одатдагидан кўра бақирганроқ овози чиқиб қолди. Азон сўзлари ичида «ястаъфурулло-о», «Ноузанбилло» ва яна аллақандай азонга бегона сўзлар ҳам эшитилар эди. Дадам:

— И-е, нима гап бўлди?— деди-ю, таҳоратини чала қолдириб, саллани қинғир қўйиб, мачит томон югурди. Акам, мен ҳам унинг орқасидан чопдик. Йигирма-ўттиз чоғлик мезанадан Толиб сўфи, қуйида Мўмин сурнайчини ўртага олиб хохолашарди. Толиб сўфи ўта ғазаб билан сурнайчига ўдағайлаб азон айтишда давом этарди.

— Ҳу, қуш гўшти еган онангни... оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Ҳу, шишган лунжингга... муҳаммадун расулило-о! Падарлаънат миққий — боз... муҳаммадул расулило-о... Пастга тушганимда кўрасан... Хай-ю ҳанан-ҳано-о... Қари эшак... муҳаммадун расулило-о... Қўшмачи, гурракхўр... оллоҳу акбар...

Толиб сўфининг сўкишларига Мўмин сурнайчи ҳам бўш келмас эди. Ҳар бир сўкишга ўрни-ўрнида жавоб қайтариб турарди:

— Бўкираверма, аблаҳ! Тушолмасанг... еб чиқармидинг? Сурнайчини қўшмачи деб сенга ким айтди? Толип ўрис энди сўфи бўлиб қолдингми, арақхўр!

Ажойиб азон ўртасида хонақоҳдан югуриб чиққан Ҳасанбой домланинг «ҳой-ҳойи»га Толиб ота қулоқ ҳам солмас эди, қайтага азонга яна гап қўшилиб кетган эди:

— Сен аралашма, бесоқол... оллоҳу акбар!..

Хайр, бир амаллаб Толип сўфи-отани оёғидан тортгандай

қилиб мезанадан тушириб олдилар. Ҳа-ҳа-ҳо, тарала ичида воқеани суриштирдилар.

Маълум бўлишича, Мўмин сурнайчи мачит теракларига ин қўйган чумчуқларни овлаб юрар экан. Битта палапон чумчуқни мўлжалга олибди. Эндигина туппагини «пуп!» дейман деганида ғирром чумчуқ «Пир-р» этиб аввал мезананинг бошига қўнибди. У ерга мўлжал олганда мезананинг дарчасига қўнибди. Шундан бошқа чумчуқ қуриб қолгандай туппак шу ерга тўғриланибди. Мўмин ота ғўлагини «пуп»лаганда Толиб сўфи «ҳайю-аллал фалоҳ» деб ўнг томонга бурилиб тишсиз оғзини карнайдай очган экан, туппакнинг ўқи сўфи-отанинг лак-лукини уриб қўйибди. Чумчуқ эса аллақачон яна терак бошига қочган экан. Сўфи-ота ғўлакни «ғулт» этиб ютиб, азонни қайта бошдан юқорида айтганимиздек «чиройли» сўзлар билан безаб қичқирмоқда экан.

Уша куни шу ҳангома, гангир-гунгур билан овора бўлиб намози-аср ҳам, намозшом қолиб кетди. Фақат у кунгина эмас, маҳалламизда намози аср намози — шом ўқилмайдиган бўлиб кетди. Пешинини-ку ҳеч ким ўқимасди — чунки ҳамма ишда бўларди.

Эртасига дадам нонушта вақтида хабар топиб келдилар. Қўғирмоч маҳалланинг имоми Ғозғонтўрам айтибдиларки, «Қўргонтегида бўлган бу воқеадан кейин кечаси билан китоб кўриб чиқдим, аммо Абомуслимий Соҳибқирон, Аҳмад замчин Кулоҳдароз замонларидан то ҳанузгача ўтган намоз — асрлар ичида ҳеч бундоқ расво намози — аср ўтмаган экан».

Мана энди шу воқеага эллик йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳали ҳам йигит-яланг ўртасида бирортаси сўкиниб сўзланса, оғзи шалоқлик қилса:

— Нима бало, бу ҳам расво намози-асрда туғилганларданми, — деб қўядилар.

УЙҒУН

«ШАКАР ДОМУЛЛА»

Бошида салла-ю, оғзи кўп шалоқ,
Ғазабдан қалтирар чўққи соқоли.
Қоронғи ҳужрадан қимирламас ҳеч,
Гўё қўзғалишга йўқдек мажоли.

Бойўғлидек шумшук мачит кунжида,
Уйлагани фақат ёмонлик, ғараз.

Унинг нияти шум, у нур душмани,
У — эскидан қолган тузалмас мараз!

Бировга бир тийин ўтказмас, зикна,
Аммо, йўқ демасдан олади берсанг!
Ўргимчакдек алдар, илондек аврар,
Қўлига тушганнинг ҳоли бўлар танг.

Жини қўзғалганда заҳари ошиб,
Мачитга ўт қўйиб ёқишга тайёр.
Манфаат йўлида динни ҳам сотиб,
Минг қолипга кирар — шунақа айёр!

Кўп заҳарлигидан одамлар унга
«Шакар домудла» деб қўйишибди от.
«Шакар домудла»лар инсонга душман,
«Шакар домудла»лар давримизга ёт!

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

УЗИНГ ШИФО БЕР!

Уф... Ох... Вой... вой... Войей... Войдод... Олло... Олло...
Уламан. Ҳой Мавлонқул, кел оғзимга сув томиз... Вой одам бўли-
шим гумон, ух...

— Қўйинг ота, шунақа деманг...

— Йўқ, сен билмайсан, ишим қийин, ўламан Мавлон! Бор
ғуножининга қара туғиб қўйди... Ҳой, Хайрулла! Ҳой, оқпадар,
қулоғингга пахта тикдингми?

— Лаббай, отажон?!

— Кўрпачанинг тегидаги пулдан 5 тийинни олиб чиқиб пол
очдириб кел! Вой. Оҳ худо...

— Ота, полчига нима дейман?

— Вой, бу оқпадар мени жудаям куйдириб кукун қилди-да.
Нима дер эдинг, отам касаллар, бир пол қаранг, дейсан. Войей,
войей шуниям билмайсан, марг сендек тарбиясиз туғилганга!
Вой... А, вой... Худо! Суйган банданга дард берасан, энди суюклик
бандангдан дардни олсанг нима бўлар экан, вой, вой!

— Ота, полчи пол кўриб-кўриб айтдики, қўҳи қофнинг теска-
ри парисидан бири тегибдир. Бир қора қўй сўйиб, худо йўлида
хом талаш қилсангиз кўрмагандек бўлиб кетадир, деди.

— А, нима дединг, бир қўй худойи. Хайрулла 5 тийиннинг ҳаммасини тутқаздингми?

— Ҳа, ҳаммасини.

— Эй, ер ютсин сени, икки дунёда ҳам одам бўлмайсан! Вой, вой, худо ўзинг шифо бер! Бор, Мавлонни чақир, ух.

— Қўй сўяр эмишман. Бели оғримаганинг нон ейишига қара. Вой, қўй, вой қўййй, қўййй, қўй, қўй.

— Ҳа, ота, нима ишингиз бор.

— Вой, вой... Ўғлим Мавлон, бор, домла поччангни чақириб кел. Вой, ух... Олло!.. Менга дам солиб қўйсинлар. Вой жоним...

— Ассаломуалайкум, Аҳмадали, баҳай.

— Ух... Келинг тақсир, вой жоним! Бир оз тобим қочди тақсир...

— Худо сақласин. Майли зарари йўқ, худо суйган қулига дард берадир. Қани келинг, бир дам солиб қўяй, тангри қўйса кўрмагандек бўлиб кетасиз. Кал Ражабникида худойи бор экан, мени кутиб турибдилар. Тезроқ бормасам бўлмайди.

— Хўп, тақсир ух...

Фи куфсаналлоно кун ва аллаҳаё жаюн мурхатунудангалук куф... Ағдарма қилиб, гўнг солун суф... Қалай Аҳмадали тузук бўлай дедингизми!

— Ҳа... та... е... сар!

— Болам Мавлон, дўхтир-мўхтирга кўрсатдингизми?

— Йўқ.

— Яхши ақлли қилибсиз, доктор харом ўлдириб қўяр эди. Мен дам солиб қўйдим, худо хоҳласа эрта-индин юриб кетади. Хайр.

— Шошманг тақсир, мана назирини олинг.

— Койиб нима қилар эдинг ўғлим!

— Хайр.

— Хайр тақсир, яна эртага бир келиб дам солиб кетасиз-да.

— Ух... Мавлон!

— Ота, отажоним!..

— Вой, дунёдан ўтдилар, меҳрибоним отам, ғамгузорим отам!.. Иннолиллоҳи ва инно илайҳи ражи ун!

1924 йил.

МАХЗУМ ҚОЧДИ

Отинойи анча вақтдан буён ичига ютиб юрган дардини эри Саид Бурҳон махзумнинг ўзига ёрди:

— Бу нима қилганингиз, жон эр? Ҳадеб уйда ётавериб, бизни ҳам безорижон қилдингиз-ку. Тириклик, уй-рўзгор ҳеч эсингизга келадими, йўқми? Омбор мудирини бўлиб, туппа-тузук ишлаб юрувдингиз. Босар-тусарингизни билмай кетдингиз-да, нафсингиздан илиндингиз. Чайқовчиликни юргизиб турувдингиз, у ҳам барҳам еди. Бу вақтдаги одамларнинг кўзи иккита эмас, ўнта. Нотўғри қадам боссангиз, билиниб қолади. Энди сиз ҳам Исмоил поччамга ўхшаб бирон жойга қоровуллик қила қолинг.

Отинойи шу гапни айтиб, эрига синовчан назар билан қаради. Саид Бурҳон махзум анча жим ўтирди. Сўнг хотинига деди:

— Шу гапни айтгани уйлмадингми? Эскича бўлса ҳам чала чулпа илмим бор менинг ҳам...

— Нима иш қилмоқчисиз бўлмаса?

Махсум яна жим қолди. Ниҳоят ўрнидан туриб:

— Йўлини топдим,— деди.

* * *

Қишлоқдаги ташландиқ бир мачитни қариялардан пул тўплаб, нари-бери тузаттириб, имомчиликка ўтиб олган Саид Бурҳон махсум оз фурсатда ўзининг юпун аҳволини тузатиб олди. Бир ойдан бери жиловхона ёнидаги ҳужрада истиқомат қилар, қишлоқнинг диндор қари-қартанглари билан ҳар куни учрашиб, оғзига келган диний ваъз-насихатларни талқин этар эди. Ўзини пайғамбар авлодига яқин қилиб кўрсатган махсумнинг «улуғ фазилатларига» баъзи қолоқ шахслар таҳсин ўқиб, оз фурсатда унинг мурид-мухлислари ҳам анча кўпайиб қолди. Пул топиш йўлига тузоқ қурган махсум бўш чоқларида дуохонлик, фолбинликни ҳам ўрнига қўйиб, қўлига кирган даромадлардан шаҳарга — уйига юбориб турди. Рўза ойи келиши билан Саид Бурҳон махсум кундуз кунлари қоронғи ҳужрага кириб, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» дегандай хуфяки майхўрлик қилиб дам олиб ётар, кечқурунлари икки-уч ерга ифторликка борар эди. Шу йўсинда ўз-ўзидан оқиб келиб турган даромадлар кейинги кунларда Саид Бурҳон махсумни қаноатлантирмай, баъзан телба тўнини тескари кийиб, мурид-мухлислари билан бўладиган муомалалари дағаллашиб қолди. Ўзининг ўтакетган ўлимтиклиги билан пайтини топ-

ганда оғзидаги ошга ҳам чанг сола бошлаган махсумнинг хатти-ҳаракатлари мурид ва мухлисларнинг асабига тегди. Шунинг учун улар имом, жойнамоз пули, фитр рўза учун бериладиган пулни ҳам ана-мана деб насия қилиш томонига ўтиб олдилар.

Нима бўлди-ю, Саид Бурҳон махсум рўза ойининг охирида бир кун кечқурун маҳалла намозхонларини меҳмондорчиликка таклиф қилди. Баъзилар кутилмаган бу чақириққа ҳайрон эдилар. Кеч бўлди. Маҳалла кишилари домла ҳузурига бирин-кетин кела бошладилар. Меҳмонлар учун ҳужра торлик қилганидан мачит саҳнига жой солиниб, дастурхон ёзилди. Оби-овқат, суюқ-куюқ берилгандан кейин қаторга келиб, ўтирган махсум ер остидан қавмларга бир қараб, ясси тил билан гап бошлади:

— Мачитингизга келиб оз муддат хизмат қилиб жуда кўп тузингизни ичдим, диний йўлда сизларни роҳ-ростга бошладим. Эндиликда илтимосим шуки, кетишимга ижозат берсаларингиз...

Ўтирганлар махсумнинг бу гапига ҳайрон бўлишиб, бир-бирларига қараб қолдилар. Ниҳоят, давранинг бир чеккасида ўтирган Нормат носвойчи сўради:

— Тақсир, бизлардан бирор ёмонлик кўрдингизми?

— Яхшиликдан ўзга ҳеч нарса кўрганим йўқ!— деди махсум.

— Гапингизга қараганда; бизлардан ҳеч бир ёмонлик кўрмаганга ўхшайсиз, аммо феъли-атворимизда сизга ёқмаган баъзи бир ишлар содир бўлган бўлса, кечиргайсиз!— деди кўса бир чол.

— Баракалла, энди ўзларингизга келдингиз, ҳақиқат ҳолни гапирмаганимизда, сизларнинг ярамас феъл-атворларингиздан бисёр малул хотирман, шунинг учун сизларга имом бўлиб, гуноҳ-кори азим бўлишни асло истамайман.

Махсумнинг бу гапига бир оз асабийлашган Аширмат сўфи:

— Ярамас феъл-атворимиз нима экан, очикроқ айтинг, тавба қилайлик,— деди.

— Айтсам, гуноҳларингиз катта. Буни худо ҳам кечирмайди, мен ҳам.

Бу жиддий гапдан бир неча кишининг ранги оқариб кетди.

— Сизларнинг ярамас одатларингиз шуки,— деди гапида давом этиб махсум,— худонинг фарз намозини ўқиш учун саждага бош қўйганимда, ҳар доим мендан илгари бош қўйиб, мендан илгари бош кўтарасизлар. Ана шу ишларингиз билан мени ҳам, ўзларингизни ҳам гуноҳкор қиляпсизлар. Бугундан бошлаб имомчиликни қатъий тарк этиб кетмоқчиман.

— Айланай тақсир, юзимиз қора бўлишига сал қолган экан,— бизларни афв қилинг!— деди иккинчи бир киши.

— Сизларнинг бу гап, бу ваъдаларингизга асло ишонмайман.

— Нима қилсак ишонасиз, тақсир?— деди Нормат носвойчи.

— Ҳаммангиз қўлингизга қуръон олиб, «Имомдан илгари саждага бош қўйиб, имомдан илгари саждадан бош кўтарсак, ўзимиз кофир, хотинимиз талоқ» деб қасам ичасизлар. Шунда ваъдангиз шаръий бўлғай.

Ҳамма таажжубланиб бир-бирига қаради. Махсум чўққи соқолини сийпаб, ер остидан қавмларини кузатиб турар эди. Шу чоқ Аширмат сўфи сакраб ўрнидан турди-да, махсумнинг ҳужрасига кириб, қуръон олиб чиқиб, ўртага қўйди. Саид Бурхон махсумга ихлосмандлар бирин-сирин қуръонни қўлларига олиб, баралла овоз билан қасам ичдилар. Ўз макрини усталик билан ўрнига қўйган махсум, қавмларининг ихлосига юзаки миннатдорчилик билдирди.

* * *

Иккинчи куни махсум саллани қўчқор шохи қилиб, ҳуфтон намозини бошлаб юборди. Махсум охирги саждага бош қўйгач, бошини кўтармай ёта берди. Қавмлар ҳайрон эдилар. У бир замон орқасида қатор тизилиб ётган кишиларга мурожаат қилиб, гап бошлади:

— Ҳаммангиз имом пули, фитр рўза пули, мачит пулини ётган жойларингизда тўламасангиз, саждадан бош кўтармагайман.

— Тақсир, олдин бошингизни кўтаринг, сўнгра ҳаммасини биздан олаверинг!

— Бўлмайди, қани, биттангиз бошингизни кўтаринг-чи!— деди махсум ётган ерида ўдағайлаб.— Мен айтган пулни чўз ҳамманг!

Шу йўсин, тортишув билан орадан ўн беш минут вақт ўтиб кетди. Намозхонлар чор-ночор ётган ерларида чўнтақларини кавлаб, домлага ҳисобсиз пул узатдилар. Махсум ётган ерида пулларни санаб, чўнтагига солди:

— Қани, энди, бошингизни кўтаринг, тақсир!— деди Аширмат сўфи.

— Берган пулингиз имом пулига етади, энди фитр рўза пулини ҳам узатинглар!

— Фитр рўза пулини мачит пулига қўшиб кейинроқ олсангиз бўлмайдами, қиблагоҳ!— деди орқароқдаги бир киши, яна пул узатаркан.

— Бўлар энди, тақсир,— деди кимдир.

— Қуръон олиб ичган қасамларингни ўйла ҳамманг. Келаси йилги имом пулини ҳам олдиндан бериб қўймасаларинг, барибир бошимни кўтармайман.

Ётганлар ноилож келаси йилги имом пулни ҳам тўлашга мажбур бўлдилар.

— Оллоҳу акбар!— деди махсум ва саждадан бошини кўтар-

ди. Кўпчилик домланинг бу ҳийласидан ғазабланиб, мачитнинг ўзидаёқ тутиб олиб урадиган бўлдилар. Қавмларнинг ёмон вазоини фаҳмлаган Саид Бурҳон махсум хонақоҳдан қимирламай узун сурани бошлаб, қуръон ўқишга киришди. Қавмлар «Бу аблаҳ билан энди эртага бошқача гаплашамиз» дедилар-да, бирин-кетин мачитдан чиқиб кетдилар. Шу кечаси махсум қуръонни, мачитни пулга сотиб, намозхонларнинг бор-йўғини шилиб қочиб қолди...

ЧАРХИЙ

ҚОЛДИМУ

(Бир мунофиқ дуохон шаънига айтилган ҳажв)

Халқдан сен кўрмаган текин зиёфат қолдимۇ,
Халққа сен кўрсатмаган найранг, хиёнат қолдимۇ,
Қилмаган умрингда ҳеч кори касофат қолдимۇ,
Шумқадам, сендин бўлак тухми фалокат қолдимۇ,
Айтгин, элдин ортиб ўзинга шарофат қолдимۇ.

Борми инсофинг ахир, шармандалар шармандаси,
Бир хотиннинг устига иккинчи хотин бандаси,
Юзми ё читгарнинг эски чармлик чирмандаси,
Дилмиё тошдан ясалган усталар кажрандаси,
Қилмаган инсонга исноду ҳақорат қолдимۇ.

Баъзи мухлиснинг олурсан хилват ичра тобиня,
«Уқ» деса, ҳар дам кушойишга жўярсан хобини,
Сўрса фатво, хўрсиниб тортиб нафас қуллобини,
«Шаффатул меши» китобингдан ўқиб бир бобини,
Йўл очиб берган жиноятга ривоят қолдимۇ.

Фисқ ила номинг чиқардинг, халқаро машҳурладинг,
Ис топиб ўргамчидек ҳар ким уйида тўрладинг,
Содда дилларни илинтирдинг, уни мажбурладинг,
Ёш гўдаклар ҳолига раҳм этмайин кўп хўрладинг,
Бу жафокаш икки хотинда ҳаловат қолдимۇ.

Ҳамма ҳам меҳмон учун топганда дастурхон ёзар,
Лекин ҳар турли балохўрдан дегаймиз «Алҳазар»,
Ош бошида битта чаққон, тўй бошида бир захар,
Кўрсатиб сендекни дерлар «тақсирим — кимё назар»
Сен каби кимё назарларда фаросат қолдимۇ.

Тушса ким домингга, юз макр ила тадбир айладинг,
Қўл қовуштирдинг, пулин олгунча «тақсир» айладинг,
Йиғса дастурхон бироқ, сен мунча таъхир айладинг,
То қоқилган безгача халтангга занжир айладинг,
Нафс учун ишлатмаган сенда каромат қолдим.

АКРОМ ҚОДИРИЙ

«АРВОҲЛАР»

Фазилатбиби турли ирим-чирим ва ҳар хил диний эътиқодларнинг «хосияти»га қаттиқ ишонган, беш вақт номозни қанда қилмайдиган асл мутаассиб кампирлардан бири эди. Бунинг ҳамма қаторида маҳалла мачитидаги Соки домла билан Боқи домла билишарди, улар Фазилатбибининг эридан анча мерос қолганлигини ҳам билишади.

Мана Фазилатбибининг эри вафот этганига бир ҳафта бўлди, ўзи эрига вафодор бўлган кампир эндиликда, шу бир ҳафтадан бери ғуломгардишда ўтириб арвоҳ кутади. У, кишилар ўлгандан кейин руҳи танидан жудо бўлиб учиб юришига ва ҳар замон ўз яшаган жойларига ҳам қадам ранжида қилиб туришига қаттиқ ишонган. Шунинг учун ҳам уйга учиб кирган ҳар бир гўнг пашша ва сариқ капалак унинг кўзига эрининг арвоҳи бўлиб кўринаверар эди.

У эридан қолган ва кўрпа қатига тикиб қўйилган тўрт ярим минг сўм пулни, сандиқдаги почта пўстинни, сариқ бўз маҳсини ҳар куни бир неча бор олиб кўради, кўзларига суртади, оҳ тартади ва кўча эшикка телмуриб арвоҳ кутади.


— Қани энди у вафодор эримнинг арвоҳи бир келса-ю тўйиб-тўйиб сўзлашсам. Шўрлик нариги дунёда қандай умр кечиряпти. Дўзахдами, жаннатда...

Пайшанба кунларидан бирида Фазилатбиби ошни дамлаб қўйиб, одатдагича арвоҳ кутарди. Зим-зиё куз тунларидан бири эди.

— Қани, энди, вафодор эримнинг арвоҳи...

Шу пайт бир воқеа юз берди (қўрқманг китобхон), уй эшиги қия очилди. Остонада оппоқ кафанга ўралган новча бир гавда пайдо бўлди. Фазилатбиби аввал бир сесканди. Лекин, кейинчалик бир ҳафтадан буён арвоҳ кутаётганлиги эсига тушиб ўзини тутиб олди.

— Ким бу?— деб сўради паст овоз билан Фазилатбиби.



— Танимадингми? Мен, эринг Камолиддин Қутбиддин ўғли бўламан.

Фазилатбиби ҳаяжон ичида эрининг бўйнига ташланмоқчи эди, лекин у ҳақиқий эри бўлмай балки унинг арвоҳи эканлигини эслаб, бу фикридан қайтди.

— Бегим, аҳволингиз қалай? Мен нобакор заифангизни ёлғиз ташлаб кетдингиз, бегим.

— Худонинг амри,— деди «арвоҳ»,— нима қилай, иложим йўқ, мен ташлаб кетган пул, поча пўстинлар турибдими?

— Ҳаммаси жой-жойида, кўзларимга тўтиё қилиб сақлаётиман.

— Ундай бўлса,— деди яна «арвоҳ»,— пулдан минг сўм узат, керак бўлиб қолди.

— Вой, ўлай, нариги дунёда пул ҳам керак бўлар эканми?

— Унисини кейин биласан. Тез бўл. Жаннатдан ярим соатга зўрға жавоб олиб келганман.

Фазилатбиби шошиб-пишиб кўрпанинг қатини очди, минг сўм санаб «арвоҳ»га узатди.

— Тез-тез келиб тулинг, бегим. Мен шўрликни соғинтирманг. Қани энди, худойи таоло мени ҳам...— бу гаплар айтилгунча «арвоҳ» аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди.

— Шу-шу бўлди-ю, Фазилатбибининг тинчлиги бузилди. Ҳаётда биринчи марта «арвоҳ» кўрганлигини у ҳам ўз қадрдон эрининг «арвоҳи» эканлигини бировга айтишини ҳам билмайди, айтмаслигини ҳам. Шўрлик кампир узоқ хаёл суради. Минг сўм пулнинг эрига нима учун керак бўлиб қолганлигини ўйлайди. Наҳотки нариги дунёда магазин, дўкон ва олди-сотди бўлса?.. Ўйлади, хаёл суради, аммо ҳеч нарсага тушунолмади, кампир.

«Арвоҳ»нинг биринчи келганидан буён 10 кундан ошиқроқ вақт ўтди. Бу вақт ичида Фазилатбиби ўйлайвериш чўп бўлиб қолган эди. У ҳамон пайшанба кунлари ошни дамлаб қўйиб, остонада кўча эшикка тикилганча ўтирарди...

Ниҳоят, узоқ кутилган кун яна келди. Айвонда оқ кафанга ўралган гавда яна пайдо бўлди.

Фазилатбиби кўз ёшлари билан «Арвоҳ» сари чопди. Лекин, бу ўтган сафаргига ўхшаш новча ва норғул бўлмасдан, қандайдир пакана ва устихон сингари қоқ қуруқ арвоҳ эди. Чин маъноси билан «Арвоҳ»...

— Тинч ўтирибсанми, хотин?— деди шивирлаб «арвоҳ».

— Дуойи жонингизни қилиб ўтирибман, бегим. Сизга нима бўлди, бегим? Жуда кичкина бўлиб кетибсиз. Овозингиз ҳам бутунлай бошқача.

— Сени ўйлаб ғам чекаман. Озиб кетдим. Овозим бўлса...

Жаннатда қаттиқ совуқлар бошланди. Шамоллаб қолган бўлсам керак.

— Ўзингизни асранг, бегим. Иссиқроқ ўраниб юринг. Сиз турган жойларда тўн, пальто деган гаплар бордир ахир.

— Бор. Лекин уларни олиш учун фаришталарга оз-моз чўзиб туриш керак. Бунини ёруғ дунё тилида пора дейишади.

— Қуриб кетсин. Ўша ерда ҳам бор денг бу порахўрлик.

Шу ерда кампирнинг эсига лоп этиб бир нарсга тушди.

— Сандиқдаги почга пўстинни олиб берайми, бегим жаннат совуқ бўлса...

— Майли, эҳтиётдан олиб кетай.

Кампир сандиқни очиб почга пўстинни олиб «арвоҳ»га берди.

— Ўтиринг, бегим. Ошни дамлаб қўйганимга анча бўлди.

— Йўқ, йўқ,— деди «арвоҳ»,— жаннат дарвозалари беркилгунича етиб боришим керак. Бўлмаса фаришталардан балого қоламан.

Шу гапларни айтар-айтмас «арвоҳ» кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейинги воқеалар кичик ҳикоямиз талаб қилганича жуда тез ривожланди. Ҳозирча Фазилатбиби минг сўм пул билан почга пўстиндан ажралди. У яна қолган уч ярим минг сўм пул ва сариқ бўз махсидан ҳам ажраларди-ю,.. лекин тасодифий бир ҳодиса буларнинг кампир қўлида сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Яна, пайшанба оқшомларидан бири эди. Фазилатбиби яна новча ва норғул бўлиб қолган «арвоҳ» билан қуюқ суҳбатлашарди. Фирт этиб эшик очилди-ю, остонада пакана ва оқ қуруқ, «арвоҳ» пайдо бўлди.

— Ким у?— деди новча «арвоҳ».

— Ўзинг кимсан?— деди паканаси.

— Мен Фазилатбибининг эри мулло Камолиддин Қутбиддин ўғли бўламан.

— Ундай бўлса мен қаерда қолишим керак? Мен ҳам, ахир, Фазилатбибининг эри бўламан-ку.

— Сен ёлғон гапирма. Фазилатбиби ҳаётида икки эрга текканни йўқ. Унинг ягона эри бўлган ва мен ўша эрининг «арвоҳи» бўламан.

Шу гап-сўзлардан кейин новча ва пакана «арвоҳ» ўртасида катта ва таъриф қилиб бўлмайдиган муштлаш бошланди. Ҳушидан кетишга оз қолган Фазилатбиби «дод, дод» деганча маҳалла комитетига қараб чиқиб кетди.

...Эндиликда маҳалла мажлисида Соқи домла билан Боқи домла кўринмайди. Улар «арвоҳ»лар номидан қилган товламачиликлари учун қонун бўйича жавобгарликка тортилиб кетгандирлар. Ким билади, ҳозир улар жаннатдами ёки дўзахдами?..

ИҶВОГАР У ДУНЁДА

Кўпларни дилгир қилиб юрган Эшонча Тўхлиев анчадан бери касал ётарди. У ётган ерида ҳам ўлимга чап бериш учун не-не ишларни қилмади, дейсиз. Лекин фойда бермади — шанба куни унинг жони узилди. Эвоҳ!!! Тўхлиев бу ногаҳон ўлимдан ғоятда диққат ва ҳайрон... Энди бу ёғи қандоқ бўлди! Унинг руҳи тилла пашшага айланиб, ғин-ғиллаб оғзидан учиб чиқди-да, хона ичида уч айланди. Кейин мурданинг бурнига қўнди. Бир дамдан сўнг яна учиб таҳмонга кирди — бунда сандиқ остига хумча кўмилган... Наҳотки, шунча давлат қолиб кетса!

Мурда тун бўйи ётди. Эрта билан чиқарилишдан аввал ғассол икки юмалоқ кир совун билан роса ишқалаб ювди, лаҳадга қўйишди. Тўхлиевнинг жони — тилла пашша ҳам «ғин-н-н-г», этиб ичкарига кириб кетди.

Шу куни ўтиб эртасига ер остида елкасига уч ботмонлик чўян гурзи, қўлида бужғун сўйил ушлаган барзанги Мункарнакир пайдо бўлди. Тўхлиев дағ-дағ титраб, ётган жойидан турди.

— Қани савол-жавобни бошлайлик!— деди Мункарнакир ғилай кўзларини олайтириб.

— Лаббай?— деди сохта мулоимлик билан Тўхлиев. У эски одатича қўлини чўнтагига тиқиб, Мункарнакирни бир четга тортди.

— Арзимаган нарса... Умид билан атаган эдим...

— Биз пора олмаймиз!

— Бу пора эмас,— деди Тўхлиев жилпанглаб,— тухфа, келин-пошшага мендан совға. Қўлим қайтмасин, азизим...

— Тўх-ли-ев, қани савол-жавобга ўтайлик! Тулкилик қилманг!

— Хўп, хўп,— деди қўл қовуштириб Тўхлиев,— сиздек яхши фаришталарнинг садағаси кетсанг арзийди. Номингизни кўп эшитганман. Ўлмасдан илгари ҳам сизга эътиқодим баланд эди. Бошқалар Мункарнакир ундоғ, Мункарнакир бундоғ... деганларида ҳам, мен ҳеч қаерга ёзмаганман, ҳамма вақт сизни мақтаганман...

— Гуноҳингни айт дейман! Бўлмаса гурзи билан бошингга тушираман, тариқ бўлиб сочилиб кетасан!

— Гуноҳим йўқ, бекордан-бекорга ўлганимга ҳайронман!

— Ҳа-ҳа! Маҳаллада сен тухмат қилмаган одам қолмади. Ҳатто уйинг орқасида ўтин ёрган бева хотинга «уйимни лат едирасан», деб устидан бир қулоч ариза ёздинг... Газмолни чўзиб, метридан ураётганинг-чи? Акт тузилганида пора бериб, яна қўлга тушганинг-чи?

— Бу бир бўлган, энди қилмайман. Тавба қилдим.

— Йигитлигингда мошга тош, шиша синиғи қўшиб сотардинг! Кейин боғча болаларига бериладиган ширинликларни ўпириб единг! Умрингда биронта одамни яхши демагансан. Ҳамма яхши нарсаларга ҳасад билан қарадинг. Ўзинг ноқобил, қўлингдан бир иш келмагач, бошқаларни кўролмай иғво қилдинг.

— У бошқа Тўхлиевдир, мен бошқа Тўхлиевман.

— Сен маразнинг жонини вақтида олмай, келишувчилик қилган ўша Азроилдан ҳам ҳафаман! Бу гапни мажлисимизда Азроилнинг юзига тикка айтмоқчиман. Азроил деган ҳам шунақа бўладими-ю!!!

Мункарнакир гурзисини кўтариб, Тўхлиевнинг калласини мўлжаллаётган эди, у жон ҳолатда қўлини бошига соябон қилиб, «Сабр қилинг!» деб қичқирди.

— Хўш?!

— Энди гапничи очиғини айтмасам бўлмайди, майли мени гурзи билан уриб, тариқ қилиб юборинг. Лекин хотинингиз... Хотинингиз қилиб юрган ишни биламан...

— Нимани биласан?

— Хотинингизнинг ўйнаши бор... Исботлайман...

— Ўйнаши?— Мункарнакир ўйлаб қолди. У бўшашиб, баланд кўтарган гурзисини секин ерга қўйди,— Жаброилми?

Тўхлиев лабини тишлаб, ерга қаради. Мункарнакир ғилай кўзларини юмиб, хаёл сураётганида, у сурғилиб, ўзини нариги гўрга олди. Қоронғулик ичида кафанларини судраб, қаёққадир шаталоқ отиб қочди. Йўлда учраган майда-чуйда фаришталардан қай йўл билан жаннатга етиб олишини сўради. У ўзига-ўзи «Ўлганим рост бўлса, жаннатда қолганим маъқул», дерди. Шу қочишда у Азроилга учраб қолди, бирдан ўтакаси ёрилиб, шамдай қотди. Бир лаҳзадан кейин у ўлган одам эканлигини эслаб, кўксига туфлади. Юрак ютиб, унга яқинроқ борди:

— Хафа кўринасиз, азизим!

— Ҳа, сенинг жонингни ўттиз йил аввал олишим керак экан, кечиктирибман. Гап эшитдим!

Тўхлиев: «Атаганим бор эди...» дейишга лаб жуфтлаётган эди, Азроил шахтидан қайтиб, тушундим, деди. У шалпанг қулоғини динг қилиб, Тўхлиев оғзига тўғрилади, Тўхлиев шивирлади. Азроил ҳам паст овоз билан: «Келишдик, бу ёқдаги ишларингни тўғрилайбер, кейин жонингни архивдан топиб бераман...» деди-да ғойиб бўлди. Тўхлиев у ёққа туртиниб, бу ёққа туртиниб кенгликка чиқди. Маймунга ўхшаш жундор бир фаришта Тўхлиевга йўл кўрсатди: «Тўғри юрасан, чапга бурилсанг — дўзах, тўғри юрсанг — аросат, ўнгга бурилсанг — жаннат. Кафанингни тўғрилаб, йиғиштириб ол», деди.

— Чойхона-пойхона йўқми бу атрофда?— сўради Тўхлиев.

— Бизлар фаришталармиз, овқат емаймиз.

Тўхлиев бармоғини оғзига тикиб ўйлади: «Бир ҳисобда овқат емаган ҳам маъқул — пул тежалади, чиқим бўлмайди».

Фаришта кетгач, Тўхлиев ўнгга қараб юра бошлади. У орқа йўллар билан айланиб, жаннат панжарасига яқинлашди; эҳ-ҳе-е-е... ичкарида ҳури-ғилмонлар, парилар таманно қилиб юришибди. Булбуллар сайраб, товуслар хиром қияпти. Яланғоч бир нозанин қорнини тегирмонга ўхшатиб, арабча «қорин ўйини» қияпти. Худонинг эрка бандаси — тор шим кийиб, сочини ҳурпайтирган бир йигитча мусаллас оқаётган ариқ бўйида сигарет чекиб ўтирибди. «Хўп омадинг келган йигит экансан...» деди, Тўхлиев унга тикилиб. Кейин: «Йўлини қилган-да, йўлини қилмаса шунчалик баобрў бўлармиди», деди. Шу пайт жундор фаришталардан бири Тўхлиевнинг кифтига туртди: «Бу атрофда юриш мумкин эмас, аросатга бор!» деди. Тўхлиев дарҳол ёш фариштага қўл узатиб, ҳол-аҳвол сўрашди. «Окўси, бир илож қилиб Жаброил алайхуссалом билан таништириб қўй. Хизмат ҳақингни бераман». Жундор фаришта кулди: «У дунёда қиладиган ишингни бу дунёда ҳам қилаяпсан-а, Тўхлиев!..» Тўхлиев ҳингиллаб кулди: «Шикоят ёзишга, порага ўрганганмиз, оламиз ҳам, берамиз ҳам». Фариштанинг жунлари жайра бўлиб тиккайди. «Мункарнакирга ташвиш солиб қўйдинг. Жаброил билан оралари бузилиб, ишга чиқмай ётибди...»

Тўхлиев хомуш тортиб, аросат томон жўнади. Аросат саҳросида бир неча кун юрди; бу ерда санғиб юрган қари девни лақиллатиб, унга мингашиб, ўн минг йиллик йўлни бир соатда босиб ўтди. Бир-бирига қамти жаннат-дўзаҳ дарвозалари ёнида у Жаброил билан учрашиб қолди. Бир лаҳзалик оби-дийдадан сўнг, у Жаброил этагига пешонасини суйкаб, зор-базор йиғлади; қандай бўлмасин ёруғ дунёга қайтаришини сўради (чунки таҳмон тагида хумча қолган). Азроил унинг жонини нотўғри олганини (Жаброил билан Азроил оралари бузуқроқ эканини биларди) йиғлаб гапирди. «Азроил ҳазратлари кимнинг жонини олишни билмайдилар. У зот сизни ҳам унча ҳурмат қилмаётганликларини пайқадим», деди бидиллаб Тўхлиев. Жаброил бу гапга ишонмаса ҳам негадир ичдан зил кетди. У Тўхлиевни аросатга қўйиб, ўзи ғизиллаганича аршиаълога учди. Тўғри худованднинг ёнига кириб, Азроилнинг порахўрлигидан шикоят бошлади. Гапнинг орасида «Тўхлиев масаласи»ни ҳам қистирди.

— Ўша Тўхлиевни тирилтириб юборақолайлик, шунча яхшилар ичида битта ёмонга жой топилиб қолар. Бу суллоҳ иғвогар жуда бошимни қотирыпти. Мункарнакирни ҳам менга қарши қилиб қўйибди...

— Хабарим бор,— деди худо бароқ қошлари остидан Жаброилга тикилиб.— Бу ҳаромини мен яратганманми, бошқа яратганми, билмайман. Унинг жонини олишга олиб қўйдинг-у, лекин ўзимиз ҳам ҳайрон бўлиб қолдик. Дўзахга киритиб бўлмайди, чунки унда Тўхлиевдан ҳам разил девлар бор; улар билан келишиб олиб, бутун дўзахни ўзимизга қарши қўяди. Жаннатга ҳам киритиб бўлмайди, чунки ҳури-ғилмонларимизни бузиб юборади.

Тирилтириб юборишга ҳам қўрқаяпман, ёруғ дунёга бориб, яна ифвогарлигини қилиб, одамларни қийнайди...

Худо бошини икки кафтига қўйиб, чуқур хаёлга чўмди.

— Аросатда ўтираберсин, умрини аросатда ўтказиб юбора қолайлик,— деди Жаброил.

— Йўў-ўқ,— деди бош чайқаб худо,— аросатда турармикин: ҳар икки кунда қабулимизга келавериб, бошимизни қотиради.

Шу лаҳза дарвозада шарпа сезилгандек бўлди. Худо билан Жаброил ялт этиб қарашди: кафанига чулғанган Тўхлиев қандайдир йўллар билан арши аълога кирибди. У тиржайиб, икки букланиб худога салом берарди.

— Ана айтмадимми...— деди худо лол қотиб.

— Бундайларга шафқат қилолмаймиз!— деди ғазабланиб Жаброил. У Тўхлиевни катта оташкурак билан қисиб олиб, ўтга ташлади. У ловва ёниб, йўқ бўлди — қўланса бир дуд кўтарилиб, тарқаб кетди...

САИД АҲМАД

«КОЛБАСА ҚОРИ»

«Колбаса қори»нинг асли оти нима, ҳеч ким билмасди. Бир йигитга қирқ ҳунар оз дегандек, унда ҳар ҳунардан жиндак-жиндак бор эди. Ўттиз учинчи йилларда уйма-уй юриб, эски дўппи йиғиб, бўяб, янгидек қилиб сотарди. Уруш йиллари сульфидин камчил пайтларида чинни синиғини ховончада майдалаб пуллаб юрди. Уруш тамом бўлгандан кейин цемент қопидан пакет тикиб гуруч бозорининг оғзида тирикчилик қилди. Ана ундан кейин утиль идорасига ишга кириб, битта эшак араванинг эгаси бўлиб, кўчаларда болаларга пуфак, лой ҳуштак, хўрозқанд бериб, шиша йиғадиган бўлди. Ҳозирги кунларда «Колбаса қори» бир халта маргимуш, сопи атайлаб синдирилган қошиқни дастмоя қилиб, хонадонлардаги кавакларга сичқон дориси сепиб юрибди. Ҳар

куни ўнлаб хонадонга қадам қўйганидан кейин кимнинг нимага муҳтожлигини билмай иложи йўқ. Бировга у керак, бировга бу, «Колбаса қори» шундай муҳтож одамларнинг ҳолатини чиқазади. Қори дўконлардаги арзон-гаров жез буюмлар устига «бир миқдор» қўйиб, ҳожатбарорлик қилишни унутмайди.

Хўш, бу гапларнинг унинг номи «Колбаса қори» бўлиб кетганига нима алоқаси бор? Жуда ҳам алоқаси бор-да!

Бу одам чойнакнинг қопқоғини майдалаб сульфидин деб сотиб юрганда қўлга тушиб, андаккина «азият» чекиб қайтиб келади. Келади-ю, қолган умрини яна дини-исломнинг ривожига бағишламоқ ниятида Шайхи-Зайниддин қабристонининг йўлагига пўстак ёзиб, билган жойини овоз чиқариб, билмаган жойини минғиллаб қуръонтиловот қилиб чўзма-чалпак билан кунини ўтказди. Қараса, у тенгилар қиз чиқариб, ўғил уйлантиришяпти. Қори ўйлаб-ўйлаб шеър ёзиб пул топишнинг пайига тушади. Сувдан ҳолва ясагандек бир амаллаб шеър ёзиб газета идорасига боради. Редакциядагилар унга шеърнинг бемазалигини тушунтирса ҳам тушунмайди. «Сизлар мени диндор одам ўйлаб, ғазалиётимни маъқулламаётибсизлар» деб, динсизлигини исботлаш учун атайин қоғозга ўраб келган бир тўғрам колбасани ғарч-ғурч чайнаб кўрсатади. Барибир, шеъри газетада босилмагандан кейин «ҳа майли, шариатда шарм йўқ» деб яна дини-исломдан паноҳ излайди. Шу-шу бўлади-ю, унинг номи «Колбаса қори» бўлиб кетади.

Қабристондаги пайғамбарларга меросхўр шайхлар уни турткилай бериб тинчитишмагандан кейин, қори бошқа йўл билан муслимларга хизмат қилишга киришади. Соқол қўйиб, қўлига тасбеҳ олади. Ҳар куни эл уйғонмай туриб дуч келган эшикни қоқади. Уй эгасини обдан дуо қилиб бўлгандан кейин асл мақсадга кўчади. Яъни кеча туш кўрганини, тушида Ҳазрати Хизир малла тўнлари устидан қора тўн кийиб, худди шу эшик тагида ғамнок бўлиб ўтирганларини, нимадандир умидвор бўлиб, сурма босган кўзларини қибла томонга тикиб ўтирганларини айтади. Уйқудан довдираб турган уй эгаси садақа бериб, унинг дуосини олади. Қурбонлик қилиб ис чиқарадиган кунини тайин қилади. «Колбаса қори» уч-тўрт ҳамкасабаси билан қурбонликка келиб тўн кийиб кетади. Эртасига яна бошқа бировни саҳармардондан уйғотиб, кўрган тушини айтади.

— Э, энажон, бешвақт намозингизни канда қилманг, ғайри диндан каватир қўйманг, сизни худо ярлақаб қолди. Туш кўриб саҳар пайтида уйғондим. Тушимга Ҳастибаҳовуддин кирибдилар, қўлимдан ушлаб, шу уйнинг олдида етаклаб келдилар-да, бу ҳовлида бир художўй кампир яшайди, дуосини ол, сенга қиммат-



баҳо инъомлар беради, худойи таоло унга беҳишдан жой ато қилган... Уйқум қочди, юлдуз санаб уйингизни тспиб келдим.

Албатта кампир кўзига ёш олади. Комсомол ич куёвига билдирмай сандиқ кавлаб, ўлимликка атаб қўйган пулидан ярмини санамай йиғлаб-йиғлаб «Колбаса қори»га тутқазади. Кўзидаги ёшини артмай турибоқ уни яна дуо қилади.

Шу тариқа тирикчилик қилиб «Колбаса қори» Оқлондан бинойидек участка қуриб олади. Илгарилари ундан юз ўгирган қори-ю қурролар яна уни ўз сафларига оладилар. Уларнинг «Колбаса қори»дан айнишларига бошқа сабаб ҳам бор эди. Айтишларига қараганда, у Кесак-қўрғондаги мачитда сўфилик қилиб юрганда, ёз ойлари мўминлар боғларига кўчиб кетиб маҳаллада намозхон қолмас, таҳорат обдасталари бекор ётар экан. «Колбаса қори» сабаби тирикчилик деб шу сопол обдасталарга мусаллас солиб, хуфия пуллар экан. Қорилар унинг бу қилиғини билиб қолиб, «таҳоратимизни ҳаром қилдинг» деб мачитдан ҳайдашган экан.

Ҳозир ўша ошналар «Колбаса қори»нинг янги участкасида тез-тез улфатчилик қилиб, «Ҳа, энди, қори у пайтда бола эди» деб кулиб қўйишади.

— Ҳаммамиздан ҳам ўтган бунақа болалик,— дейди қорининг энг эски қадрдони.— Мана Махсумча айтсин, бўза ичиб, саждага бош қўйганимизда ухлаб қолган пайтларимиз ҳам бўлган.

— Ҳа-я, нимасини айтасиз, ҳар намозга чиққанимизда эски кавушни янгилаб кетардик.

— Сиз жуда ола-шовул эдингиз,— деди «Колбаса қори» эски қадрдонига қараб қиқирлаб куларкан.— Қўлингиздан келмаган иш йўқ эди.

«Колбаса қори» шу тахлит улфатчиликдан кейин янги куч, янги ғайрат билан ишга тушиб кетади.

Кечаги ҳайитнинг иккинчи куни «Колбаса қори» олтинчи троллейбусда кўнгли беҳузур бўлиб, ўзидан кетиб қолди. Яхшигина кийинган бир йигит уни азот кўтариб пастга олиб тушди. Уни тол соясига ўтқазиб ўзи шошганича троллейбусга югурди, то бекатга етмасданоқ ёнидаги ҳамёни йўқлигини билиб, бўшашиб кетди. Йўқолган ҳамёнда анчагина пул, минути кўчган олтин соат ва икки ярим минг сўм ютуқ чиққан битта юз сўмлик «тилла заём» бор эди.

Троллейбус жўнаши биланоқ «Колбаса қори» ўзига келди.

ДОМЛА «УЙЛАНДИЛАР»

Чаман қишлоғи аҳолисидан ҳўл меваларни харид қилиб юрган коопторг ходими Маткарим Юнусов эски қадрдони Акбар ака билан учрашиб қолди. Акбар ака ошнасини уйига олиб келиб, яхшилаб меҳмон қилди, кечаси алламаҳалгача чўзилган суҳбатлари ҳам кўнгилдагидек эди, бироқ эрталаб гаплари бир оз қовушмай қолди.

— Сизга бир маслаҳат,— деб гап бошлади Акбар ака,— пешанадаги ёлғиз қизимни бировга унашиб, шу ой ичи катта тўйини қилмоқчи эдик, онаси ўламан саттор бермаймиз, деб унамай турибди, куёв менга жуда маъқул...

— Шошманг,— Акбар аканинг сўзини бўлди Маткарим,— қизингиз ҳали ёш-ку.

Акбар ака афтини буриштирди:

— Ўзи пачоқроқ, бўлмасам ёш эмас.

— Ўқишдами ахир?

— Ўқишда, еттинчи синфда ўқийди...

— Бўпти-да, мактабни битирмагунча муаллимлари бу ишга рухсат бермайди, қизингизнинг ўзи ҳам кўнмаса керак.

— Бе...— лабини бурди Акбар ака,— муаллим ким, отами унга? Қизинг отаси мен, ихтиёр менда.

Маткарим беихтиёр кулиб юборди.

— Куёв бола шу ерликми?— сўради у кулгидан тўхтаб,— қаерда ишлайди, ё у ҳам ўқийдими?

Бу савол ёқмаган бўлса керак, Акбар ака хўмрайиб олди.

— Ўқимайди, домла...

— Домла? Муаллимми?

— Топган гапингиз муаллим экан-да, домла деяпман, имом. Маткарим, ана холос, дегандек қилиб қўлларини ёйиб юборди.

— Довдираётганингиз йўқми, ака?

— Нега довдирай... эсим жойида, нима, домлани куёв қилсам ёмонми?

— Гапирманг-э... гулдек қизингизни шарти кетиб — парти қолган одамга бермоқчисиз-ку, эсим жойида, дейсиз, уялиш керак.

— Нега уяламан? Қари эмас, у сиз — мен қатори бор.

— Сиз — мен қатори бўлса ёш бўладими ахир? Тагин домла-имом... Товба. Ёшлардан чиққан ҳар инженер, агроном, муаллимлар бор, мана шулардан куёв қилинг, нима қиласиз у занг босган ўтмас чақани?

— Занг босган ўтмас чақангиз нимаси?— ўқрайди Акбар ака,— кишига охират керак эмасми?

— Охират? Домла охиратда сизни қил кўприкдан етаклаб ўтадим, ёки жаннатга пропусқа берадим?

— Ажаб эмас... Ўн тўрт ёшларидан бери тоат-ибодат, номоз, рўзани тарк этмай, икки марта хажга борибдилар. Шундай одамнинг этагини ушласам холи қолмасман...

— Сиз жуда содда экансиз, ака, домланинг уйдирма гапига ишонаверсангиз, қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдир ака беради-да. У шу ерликми?

— Йўқ...— бош чайқади Акбар ака,— мусофир... бу ерга яқинда келган. Лекин, шу киши келди-ю, қишлоққа файз кирди; бузилиб ётган масжидни тузатдик, ўртада пул йиғиб, домлага яхши ҳовли-жой сотиб олиб бердик, истиқоматларидан доим хабар олиб турибмиз.

— Энди, қизимни бериб куёв қиламан денг, хотин устига бўлса керак?

— Хотин устига эмас, ҳали у киши сира уйланмаганлар.

— Бекор гап, қаёқдан биласиз?

— Ўзлари айтдилар, у одам мен билан жуда иноқ, ҳеч гапни яширмайдилар.

— Қишлоқ холи бўлса тулки тепага чиқар экан, бу ер чекка жой. Қишлоқ Совети, колхознинг идораси узоқ, домлангиз пана ерга келиб лақма одамларни топиб олиб, билган номаъқулчилигини қилиб ётган-да. Бизнинг жойда бўлсин, аллақачон шармандаси чиқарди. Сиз бўлсангиз домла ундай, домла бундай дейсиз, шу гаплар ҳозирги замонамизга ярашадиган гапларми? Сиз-ку қизингизни бериб охиратни сотиб олар экансиз, домлага қиз бермаганлар нима қилади, уларнинг охирати куядими?

— Мусулмон фарзандисиз, бу сўзлар сизга номуносиб, Маткарим, мен домлани ўзимча куёв қиламан, деяётганим йўқ, бу ерда бир сир бор.

— Хўш?..

— Домла ниҳоятда пок одамлар-да, рамазоннинг охириги куни кечаси бир туш кўрибдилар, азонда мени масжидга чақириб олиб бориб, кўрган тушларини айтиб йиғлаб юбордилар.

— Қанақа туш экан?— масхара билан сўради Маткарим,— қиёмат яқинмикан?

— Гапга қулоқ солсангиз-чи... тушларида пайғамбарларимиз, Акбарга куёв бўл, деб амр қилибдилар....

— Бўлди,— деди Маткарим ва ирғиб ўрнидан турди,— шу гапга ишонган бўлсангиз сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришнинг

фойдаси йўқ, ҳозир қишлоқ Советининг идорасига бориб одам олиб келаман.

— Ҳай, Маткарим иним.— Акбар ака унинг йўлини тўсди.— Мени шарманда қиласиз-а, хафа бўламан... Майли-ку, домлани ранжитманг, у киши мусичадек беозор одам, ишонмасангиз бир гаплашиб кўринг, биласиз.

Шундан кейин «бир гаплашиб» кўргани домланикига келишди. Кўча эшиги олдида бир одам, чиройли ола қашқа ғунажиннинг бошбоғидан тутиб, маъюс тик турар эди. Акбар ака у билан сўрашди.

— Ҳорманг, Имомқул, бу ерда турибсиз?

— Домлага манави ғунажинни олиб келган эдим.

— Нега?

Имомқул Маткаримга қараб олди.

— Ўтган кеча, кичик ўғлим тўсатдан қаттиқ оғриб қолди. Домлани олиб борувдим: «мол жини тегибди», деб дам солдилар. Эрталаб ғунажинни кўриб қолиб, «Мана шу молингни тирик садақа қил, бўлмасам ўғлингнинг тузалиши қийин» дедилар. Яхши ғунажин эди, домла оғиз солганларидан кейин ноилож...

Акбар ака аҳамиятсиз қўл силтади.

— Бола тузалса бўлгани, мол топилиб кетади, ўғилча тузукми ахир?

— Ётибди...— деди Имомқул секин.

Гапга Маткарим аралашди.

— Доктор чақирмадингизми, ё бу ерда доктор йўқми?

— Доктор бор, лекин домла: «бу касал докторни ёқтирмайди», дедилар.

Маткарим ғижиниб, нимадир демоқчи бўлган эди, улгура олмади, эшик очилиб, остонада бошига катта салла ўраб, оқ ятак кийган, узун соқолли, қориндор бир шахс пайдо бўлди. Бу — домла эди.

— Ия, бу Мирҳайдар-ку?— ҳайрат билан ихтиёрсиз қичқириб юборди Маткарим. Домла сесканиб, шошиб Маткаримга қаради. Қаради-ю ранги ўчиб, одим узган ерида туриб қолди. Маткарим югуриб унинг ёнига борди.

— Ҳа, муттаҳам, қўлга тушдингми энди.

Домла бир оғиз сўзсиз қалтирар, кутилмаган бу ҳодисадан ҳеч нарса англамаган Имомқул билан Акбар ака эса анграйиб қолган эдилар.

— Акбар ака,— деди Маткарим,— мақтайвериб йиртиқ қопга сиғдирмаган домлангиз шуми?

— Шу, шу киши, хўш, нима ҳангома ўзи?

— Бу шахс бизнинг қишлоқлик бўлади, оти Мирҳайдар, кеча айтганим магазин мудирини бўлиб, давлатнинг етмиш минг сўм пулини олиб қочган ўғри мана шу?

— Молнинг оласи сиртида, одамнинг оласи ичида,— деди Имомқул ва ғунажинига қараб қўйди.

— Э... бу, одамни оласи эмас, балоси экан, балоси! Маткарим кулди.

— Энди кўз очилдими ака?! Боя, домламиз сира уйланмаган экан, дедингиз-а? Домлангизнинг у ерда хотини, олтита боласи бор.

— Лаънат бундай одамга!— деди Акбар ака,— менга ҳозир бунинг орқасида номоз ўқиб юрган мўйсафидларни йиғиб келаман. Ҳамма гапни айтиб берасиз.

Маткарим кесатди:

— Куёвингизни шарманда қилар экансиз-да...

— Куёвим?! Бу қаллобга қизимни эмас, унинг тирноғини ҳам раво кўрмайман!— жаҳли чиқиб телбаланган Акбар ака Мирҳайдарнинг башарасига тупириб юборди. Шундай қилиб, домла «уйландилар».

АББОС МУҲИДДИН

ДОВДИРАШ

Тентак тўнини ечмас, дегандек, бировга ўрнини, сўзини бергиси келмайдиган Исмат Дўсматов гангиб қолди. У мошранг чийдухоба костюм кийган самбит қоматини кўз-кўз қилгандек кеккайиб келганда ҳеч ким кутиб олмади. Илгарилари кўришганда Дўсматовнинг гапиришига ўхшатиб: «Э, ўртоқ директор, бормилар жаҳонда?» деб, жилмайиб омонлашадиган Давлат Ҳаққулов:

— Кутдириб қўйдингиз-ку, ўртоқ директор, айтилган вақтда келсангиз бўлмайдими?— деб чимирилди.

«Ўҳў, ўртоқлик суди раислигига сайланиб, дарров димоғдор бўлиб қолибдиларми?— деб дилидан ўтказди Дўсматов,— Ҳе, тушунарли, қайси куни худойига айтмаганим алам қилган экан».

Исмат Дўсматов келганда зал одамга тўлганди. Ҳайъатда ҳам жой йўқ. Фақат чап томонда, залнинг биринчи қатори билан ҳайъат оралиғида битта бўш стул турган эди. Мажлисга келди дегунча ҳайъатга ўтиб олиш илинжида бўладиган Дўсматов шу стулга қараб: «Бу яккамохов кимга экан?» деб ўйланиб турганда

мажлис раис ўрнига бориб олган Ҳаққуловнинг ўктам овози эшитилди:

— Шу жой сизга, ўртоқ директор, ўтира қолсинлар.

— Нима?— Дўсматовнинг тирнаб тешгандек қисик кўзлари чақчайди.

— Ҳа, ўзларига қўйилган, қора курси ўрнида.

Дўсматовнинг эти сесканди, туклари тиккайди. У: «Қанақаси бу жаҳонда?» деб дағдаға қилмоқчи эди, бўлмади, овози бўғилиб қолиб, аранг ғўлдиради:

— Менга... қора курси... Нега?

Дуркун гавдали, ҳурпайиб турган қалин сочлари сутга чайилгандек оппоқ бўлса ҳам ўзи тетик, қорамағиз ялпоқ юзлари жозибали Ҳаққулов аста ўрнидан турди:

— Сиз маҳалла аҳли, афгор омма, қолаверса ўз оилангиз олдида айбдорсиз. Шунинг учун сизни суд қиламиз.

Дўсматов худди чўғ босиб олгандек сапчиб: «Э, овора бўладилар, мени суд қиладиган валломат ҳали туғилмаган жаҳонда», деб шанғиллаб, юлқиниб чиқиб кетмоқчи эди, яна бўлмади. «Лип» этиб ёнига келиб қолган Ҳаққулов: «Оғирроқ бўлсинлар, ўртоқ директор, халқ билан ўйнашмасинлар, жаҳонда» деб, қўлидан ушлаб, ҳалиги стулга ўтқазиб қўйди. Кейин у яна ўз ўрнида пайдо бўлиб, залга қараб эълон қилди:

— Маҳалла аҳолисининг ўртоқлик судини бошлаймиз. Айбдорга айблаш фикрини билдириш учун сўз жамоат қораловчиси Дилбархон Дўсматовага.

Қопқонга тушган тулкидек мўлтайиб ўтирган Исмат Дўсматов жамоат қораловчиси ўрнидан турган хушбичим, кўркем аёлни таниб, ўшқирди:

— Дилбармисан?.. Дилбар!

Аммо чақирғи ўзидан бошқага эшитилмади. Номини атаса «Лаббай, дадаси» деб турадиган хотини қиё боқмай, дадил гапирарверди:

— Бурунни сассиқ деб кесиб ташлаб бўлмаганидек, ҳалиги, тақдиринг боғланган инсонни қоралаш ҳам қийин экан. Шу туфайли тишни тишга қўйиб, кўзлари очилиб қолса зора, деб юрган эдим. Йўқ, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан, ҳалиги, тоқатим тугаб, арзу ҳасратимни кўпчилик ҳукмига ҳавола қилишга мажбур бўлдим.

— Шармандага шаҳар кенг. Арпамни хом ўрди, оч-яланғоч қолдим, деб дод сол!— ғижиниб тўнғиллаган эди Дўсматов, Дилбархон қуш қараш қилиб қўйиб, давом этди:

— Қадимгиларнинг замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган нақли бор. Биз замонамиздан ўргилсак, фахрлансак арзий-

ди, ҳаётимиз фаровон, келажагимиз порлоқ. Аммо шу замонга мослашолмай, лўттибозлик қилиб юрувчилар бор. Исмат акамиз худди шундайлардан.

— Ҳа, ярамас, бевафо, шошмай тур!— деб яниб қўйди Дўс-матов.

Дилбархон писанд қилмай, гапни гапга улайверди:

— Ўзлари ажабтовур хизматчи, катта ресторан директори, ҳалиги, қўлларида папка, бошларида шляпа, қилмишлари ху-рофот, бидъат,— у майин жилмайиб қўйди.— Мабодо нафси бузуқ-лик қилиб қоринлари оғриси ҳам ҳалиги, куф-суфчига, кинначига югурадилар. Ёмон туш кўрсалар ҳам ном чиқар худойи қилади-лар. Бир вақтлар «Хамелеон» деган ҳикояни ўқиб, ҳалиги, шунақа одам ҳам бўларканми, деб ажабланган эдим. Билсам Исмат Дўс-матов худди шундай...

— Тилингни тий, ҳў, хотин!— деб кекирдагини чўзди Дўсма-тов. Дилбархон пашша ғинғиллашидан койингандек қараб қўйиб, эътироз билдирди:

— Йигирма етти йил тилимни тийиб келдим. Аммо бола-чақали, неварали бўлганда маҳалла аҳли, таниш-билишлар олдида шармандаликка сира тоқат қилолмайман!— У бир зум тупук юти-ниб туриб, аста-аста гапга тутинди:— Қизим Хулкарни бир йигитга унаштирган эдик. Ўз тенги, ҳалиги, узукка кўз қўйилгандек, институтда бирга ўқишган экан. Оиласи ҳам нақ ўзимизга мос, ҳалиги, отаси завод директори. Исмат Дўсматов: «Зотли, бадав-лат одамлар экан қудаларимиз. Беллашиб, ҳаммадан ошириб тўй қилсак арзийди», дер эдилар. Шунинг учун, ҳалиги, маълум оши келган куниёқ даранғи-дурунғини бошладилар. Дўсматовнинг таклифларига кўра қариндошлар, ошна-оғайнилар, қўни-қўшни-лардан тортиб, ҳалиги, ошпазлар, отарчиларгача келишди. Ўзла-рининг буйруқлари билан катта тўйларда ҳам бўлмайдиган, хилма-хил таомлар тайёрланди. Меҳмонларга чой ўрнига ҳам арақ, коньяк ичирилди. Роса базм бўлди. Даврага тушиб ашула айтган, ўйнаган одамнинг чаккасига пул қистирилиб, елкасига чопон ёпилаверди. Аммо, ёшлар ЗАГСдан ўтадиган куни Дўсматов тўнни тескари кийиб: «Йўқ, мен бундай зоти пастга қиз бермайман» деб, туриб олдилар. Эрталаб лента, қўғирчоқ, шар, гуллар билан ясатилган ўнта машина ға-ғув қилиб келган эди, ҳалиги, Дўсматов: «Бўлмайди, жўналаринг!» деб, ҳаммасини кеткизвордилар. Йигит-нинг амакиси, тоғаси, маҳалла комиссиялари келиб «Бундай қи-лиш уят бўлади» дейишса ҳам кўнмадилар. Кўр тутганини қўймас дегандек, «Зоти пастлигини билмаган эканман, хўжа қизини фу-қарога бериш гуноҳ» деб, туриб олдилар. Шундан кейин, ҳалиги, куёв бўлмиш: «Бу иснодга чидолмайман, Хулкарга уйланмасам бу

ерда бош кўтариб юролмаيمان», деб шаҳардан чиқиб кетипти. Хулкар бўлса шу-шу касал, ҳалиги, кўчага чиқишга безиллаб: «Ҳамма масхара қилаётганга ўхшайди, уяламан» дейди.

Шу пайтда залда ғовур-ғувур бошланди, чекка-чеккадан ҳар хил овозлар, хитоблар эшитилаверди:

— Муҳаббат хўжа, фуқарони биладими?!

— Хулкарга нима, отаси уялсин!

— Кўр-кўрона этиқодчи, сув юқмас жоҳил экан бу Дўсматов.

— Халқ удумини бузиш, ном чиқарга тўй, зиёфат қилиб, бунга қурби етмаганларнинг кўнглини ўкситиб қўйишга қандай ҳаққи бор унинг?!

— Халқ юзига оёқ тираган шуҳратпараст Дўсматовни маҳалладан ҳайдаш керак!

Залда шағал тўкилгандек чапак янгради. Исмат Дўсматов тили танглайига ёпишиб, нафас олиши қийинлашаётгандек энтикар, ҳансирарди.

— Менга қаранг, ўртоқ директор,— деди одамларни тинчитгач Ҳаққулов.— Сиз ҳам бир маротаба рост гапиринг жаҳонда. Олдин мақтаб юрган қудангиздан тўсатдан айнаб қолишингизга сабаб нима? Узунқулоқ гапларга қараганда, қудангиз мансабидан бўшатилганини эшитиб, шу дардга йўлиқибсиз, тўғрими?

— Йўқ,— деди жон ҳолатда Дўсматов,— туш кўрган эдим. Тушимда: «Хўжаавлод эканингни унутдингми, фуқарога қиз бериб шаънимизга доғ туширмоқчимисан, нобакор!» деб койидилар марҳум отам.

— Ёлғон!— Арслон наърасидек кучли овоз зални ларзага келтирди.— Мен ҳеч қачон бундай демаганман. Бунақа довдирашни бас қил! Ҳамюртларингдан ажралма, мени отам десанг!

Исмат Дўсматов безгак тутгандек титраб, овоз келган томонга қараса, оқ кафанга ўралиб марҳум отаси турибди.

— А-а!.. Отам... арвоҳ... Войдод!— деб қочмоқчи бўлиб... Кўзини очса каравотида ётибди, Дилбархон ҳам ўз ўрнида.

— Уф!.. Роса довдиратди-ку... Хайрият туш экан,— деб севиhib туриб, бирдан авзойи ўзгарди, жимгина ухлаб ётган хотинига бўзариб қараб, дилидан ўтказди: «Ўнгимда ҳам шундай суд қилишса-я, худо кўрсатмасин!»

КЎРИНГ

(Бир мулла ҳақида лапар)

Мулла-имом излаб авом
Изғиб юришин кўринг.
Истаб мудом текин таом
Хаёл суришин кўринг.

Мурид овлаб чекка жойда,
Уйда бўлмас ҳафта, ойда,
Хуржун тўла келар тойда —
Туриш-турмушин кўринг.

Ёдлаб олиб уч-тўрт оят,
Савод «ўсиб» кетган ғоят.
«Мўмайдан тушса шояд»
Дея туришин кўринг.

Дардин айтса касал-хаста,
(Эски китоб унга дастак,)
Куф-суф қилиб шилар аста —
Қуртдек сўришин кўринг.

Фитр, назр-ниёз йиғар,
Дерлар: «Текин тешиб чиқар!»
Кўпнинг ҳақи охир йиқар —
Йиғлаб юришин кўринг.

САИД РАВШАН

ПАНД ЕДИ

Кўпдан бери дардил бувижоним бугун бирдан оғирлашиб қолди. Ойимни, мени имлаб, олдиларига ўтиришга ундадилар.

Қалтироқ, ингичка, узун бармоқлари билан сочимни қайта-қайта сийпаб, бошимни ўзларига яқинроқ тортдилар, пешана, юз-кўзларимдан устма-уст ўпдилар. Сўнгра ойимга узоқ термилиб, бошларини сарак-сарак қилдилар. Ойим ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. «Бувижонингнинг олдида ўтир, болам!

Мен ҳозир...» дедилар-да, уйдан чиқдилар. Ҳа деганда ойимдан дарак бўлавермади. Орадан ярим соат вақт ўтгач, терлаб-пишиб келдилар. Кейин билсам илдамлаб бориб, қўшни қишлоқдаги мулла Ҳамдамни чақириб келибдилар.

Юзлари қотмароқ, қўллари буришиқ, елкалари бироз чиққан, соқоли оппоқ рўдапо кийинган мулла эди. Бошларида саватдай салла.

Рамазон ойи эди. Уйма-уй кириб «фитр-рўза» йиғиб юрганида дарвозани очмовдим. Ўшанда бақрайиб қараганди. Кўзларидан қўрқиб кетувдим.

Ойим муллани «келинг, келинг» деб уйга бошлаб кирдилар. Мулла Ҳамдам юлғун ҳассасини деворга суяб қўйди. Калишини ечиб, маҳсичан тўрга ўтди ва кўрпачага чўкка тушди.

— Омин, қадам етди, офат етмағай,— дея қовоқаридай ғинғиллаб қўлини юзига тортиб, дуо қилди. Сўнгра:— Қалай, бардам-мисиз?— деб бувимдан ҳол-аҳвол сўради. Бувим «Ҳа, бир нав» дегандай бош чайқаб, ишора қилдилар.— Ҳечқиси йўқ, қарилик-да синглим,— мулла ойимга қараб гапира кетди.— Уф, ҳаво бисёр димиқибди. Келгунча лоҳас бўлдим, лоҳас. Елпиғич борми, синглим, елпиғич? Бўлса обкелинг! Терларимни қуритай. Уф, уф!..

Ойим елпиғични келтириб бердилар. Мулла ўзини анча вақт елпиди. Кейин энгашиб, бувимнинг юзларига разм солди. Узун мўйловини ингичка бармоқлари билан чимтиб туриб, «зарари йўқ, инс-жинс қўнибди. Иншоолло тузалиб кетгайлар»,— деди.

У чап қўлидаги қаҳрабо тасбеҳни ўгириб, ўнг қўлига от думиданми, ёлиданми қилинган қамчинни олди. Серкиприк кўзлари гоҳ юмилиб, гоҳ очилар, лаблари пичирларди. Нафаси ичига тушиб кетдими десам, «ғулдур-ғулдур», овози чиқиб қолди: «Ойна бод, кунда бод, теша бод, болта бод, кўч-кўч-кўч. Кўчма-санг, томир-помир, реша-пеша, раги пайинггача қирқиб отараман. Кўч-кўч-кўч, суф-куф...» деб қоидаи қироатини ўринлатиб қайта-қайта ўқирди. Бувимнинг елкалари, оёқларига қўлидаги қамчин билан шарт-шарт урарди. Носли тупуклари бувимнинг юз-кўзларига сачрарди. Бувим бошларини кўтармоқчи бўлдилар. Аммо, кўтаролмадилар. Озғин вужудлари қалт-қалт титрар, мунгли нолишлари юракни эзарди. Иситманинг зўрлигидан бўртиб қизарган эдилар. Олазарак кўзлари бир шифтга, бир муллага термуларди. Бир нима дегандай лаблари пичирлади. Афсус, соқовлар. Ниҳоят, мулла лабларини қимтиб-қимтиб:

— Омин, илоҳим олло таолло бул умматига шифо берғай, мушкулини тезроқ осон қилғай, облоҳу акбар,— дея фотиҳа ўқиди.

У «суф-куф»и эвазига ойимдан бешта бир сўмликни олиб,

тагин норози бўлгандай қовоғини осилтирганича жўнаб қолди.

Бувимнинг касаллари тузалиш ўрнига қайтага баттар зўрайди. Икки кун туз тотмай инграб ётдилар. Мулла Ҳамдам тайинлаб кетган парҳез тутиш, товуқ шўрва, эзибички қиттак ҳам наф қилмади. Нафас олишлари аввалгидан ҳам оғирлашди. Хуллас, доктор чақиришга мажбур бўлдилар. Докторни чақиришга чақирдилар-у, бироқ, фурсатни ўтказиб... Врач етиб келмасдан олдин бувижоним охирги нафас билан хайрлашган эканлар...

Бувимнинг қазоларидан буён мулла Ҳамдамдан ойимнинг ихлослари бутунлай қайтган. «Ўз нафсининг мулласи экан» деб унга ишонмайдиган бўлиб қолдилар.

Бугун мактабдан келиб энди тамадди қилаётган эдим, дарвоза тақиллади. Югуриб бориб очдим. Узун оқ яктак кийган мулла Ҳамдам.

— Тасаддиқ, омонмисиз,— деб ичкарига қадам қўйди у. Муллани кўриб ойимнинг энсалари қотдими:

— Келинг, мулла бобо...— дея совуқ қарши олдилар уни. Мулла ток остидаги сўрида чордона қурди. Ойим дастурхон ёздилар. Мис лаълида ҳусайни узумдан олиб келдилар.

— Бай, бай, бай! Биҳиштнинг асл ноз-неъматларидан айланай! Тилни ёрай дейди-я, тилни,— деб мулла узумдан паққос туширди. Пиёлага кўк чой қуйиб, қулт-қулт ичаркан, шанғиллаб сўзлади:

— Синглим, яратган тангрига шукр қилмоқ сиз-биз бандаларига фарз айъндир. Тоат-ибодат қанча ўринлатилса, падари бузрукворларимиз арвоҳлари бағоят шод бўлғай. Кеча марҳум волидангиз тушимга кирибдилар. «Рухим оромсиз, чорак кам икки ойдирки, мункар накир сўроқда қийнайдилар», деб оби-дийда қилдилар. Сиздан не кетади, бир хатми-қуръон буюриб, волидангиз арвоҳини хушнуд этсангиз!..

— Тўғри айтдингиз, мулла бобо,— мийиғларида мулойим кулиб гапирдилар ойим,— ўзим ҳам ўтган оқшом туш кўрибман. Урушда дом-дараксиз йўқолган жияним Сатторжон эшикдан кириб келганмиш. Пойгакда ўтириб юм-юм йиғлармиш. Онам, жиянимга бир қуръа очсангиз! Иккисининг арвоҳи учун бир катта хатми-қуръон буюрардим ўзларига.

Ойимнинг сўзларига мен ҳайрон бўлиб анқайиб қолдим... «Апшу-апшу» деб аскирди мулла.

— Иншоолло ҳақ гап айтдингиз. Балли, синглим, балли. Ҳозир қуръа очурман...

Мулла бир китобни қўлтиғидан чиқарди. Уни уч бор ўлиб, шунча марта ажинли пешонасига тегизди. Сўнг, алланималарни пичирлаб, китобни очди. Қирра бурни устига кўзойнагини қўндириб олиб китоб варағига кўз югуртирди.

— Синглим, қулоқ тутинг, қулоқ,— деб ўқишга тутинди.— Жиянингиз Сатторжон жанг йиллари йўл юриб, жуда мўл юриб, етмиш икки юрт ошиб, ёт бир ўлкада мусофир бўлиб юрганмиш...

Шу чоқ ойим ўзларини тутолмай пиқ этиб кулиб юбордилар. Кейин:

— Э, яшанг-э, домла бобо! Қуррангиздан топинг-да... Менинг ҳеч қанақа жияним йўқ! Синадим... Эшикма-эшик юриб, кишиларни лақиллатишдан... Қайси мадрасада...

Мулла Ҳамдамнинг кўзлари бирдан ола-кула бўлиб, қути учиб қолди.

— Ҳай-ҳай, ҳай, қизим. Қуррага шак келтирдингиз! Увол-а, увол! Товба денг, товба,— деб ғивирсиб ўрнидан турди.

У ҳатто ойим билан хайрлашмади ҳам. Ёқасини чангаллаб ушлади-да «Ё астахфрилло, ё астахфрилло!»— деганича кўча томон илдам юриб кетди.

МУРОД ПАРПИХЎЖАЕВ

ЎКИНЧ

Колхоз аравакаши Али тажанг номозхон бўлмаса ҳам қишлоқ домласига ихлоси баланд, уни худонинг бегуноҳ бандаси, қишлоқдаги авлиёси деб ҳисоблаб юрарди.

Йиғинларда, ифторларда бирга ўтириб қолиб домла хониш билан масала ечишга киришса, бутун вужуди қулоқ бўлиб: «Бундай доно фикрлар фақат домладан чиқади»,— деб пастки лабини тишлаб фахрланиб ўтирарди.

Мабодо у орқаворатдан биров домлани ғийбат қилаётганини эшитса, шу заҳотиёқ ўша одамни изза қилмасдан кўнгли жойига тушмасди.

Лекин бир сабабият билан ораларидан ола мушук ўтиб, юз кўрмас бўлиб кетишларини ўзи тугул қишлоқ аҳли ҳам хаёлига келтирмасди ўша кезларда.

Али тажанг ҳар йили ишдан бир-икки кунга жавоб олиб, домланинг томорқасини сўқаси билан икки мартадан ҳайдаб, тоқларини пояга олишиб берарди. Бу йил далада иш кўпайиб, вақтида хашарга боролмади.

Жавоб теккан куни у каллаи саҳарлаб домланинг уйига чопди. Ҳайтовур домла уйида экан.

— Келардингиз-да, Аливой, ёзни ўтказиб. Ишонган одам ҳам шунақа бўладими,— деб уни совуқ қарши олди домла. Кейин нонуштага ҳам таклиф қилмай боққа бошлади.

Агар Али тажанг бу гапларни отаси гапирганда ҳам юз-хотир қилмаган бўларди. Лекин домланинг кетидан гуноҳ иш қилиб қўйган боладек бош эгиб йўлга тушди.

Токлар очилиш вақтидан ўтгани учун шўралари бардини тешиб чиққан, агар сал қалтисроқ ҳаракат қилинса, чўрт узилиб кетарди. Бунга худди Али тажанг айбдордек домла қовоқ димоғини осилтириб олган эди.

Улар жон ҳовучлаб тўпгача бир ишкомини зўрға пояга олишди. Али тажанг оғир ишларга домланинг қўлини урдирмай, шунча авайласа ҳам, кечгача унинг раъйи очилмади.

Тўпдан кейин домла тўқайдаги толлардан истак чилпигани кетиб, боғда Али тажанг ёлғиз қолди. У юқоридаги бағазни ишком тагига ўраб қўйилган терак танасига чиқиб боғлаётган эди, оёғи тойиб тўпиғини бир нима шилиб юборди. Бутоғи бўлса керак деб похолни очган эди, ўзи қоққан арава михига кўзи тушиб ҳайрон қолди: «Ия, бу қандай қилиб домланинг боғига келиб қолди!..».

Бу терак тутзорнинг четидаги ариқ бўйида ўсарди. Али тажанг бир кун унга от боғламоқчи бўлганда нўхтадаги арқон калталиқ қилиб шу михни қоққан эди. Тутзор қоровули Матқовул отанинг шу теракни кесиб олишга идорадан рухсат олганидан ҳам хабардор эди. «Демак, домлага зарурати бўлса оша қолинг дегандир-да тантилиқ қилиб», деб ўзича бир қарорга келгач, похолни аввалгисидек ўраб ишига тутинди.

Улар қош қорайганда ишни тамомлаб, уйга киришганда домланинг катта келини хонтахтага чоғроқ лаганда шовла қўйиб кетди. Бир зум ўтмаёқ лаган бўшади. Али тажанг чала тўқ бўлса ҳам домланинг кўнгли учун «тағин овқатдан сузиб келсинми?» деганига беодоблик бўлмасин деб, «рахмат домла, тўйдик», деди.

Овқатдан кейин чой устида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди, Бошқа ерда ҳеч кимга сўз бермайдиган Али тажанг шу топда ўнғайсизланиб ўтирар, домланинг ҳар бир сўзини тасдиқлар, ё «ҳа, шундай» дея қўярди.

Домла масжиддаги камчиликлардан сўз очганда, у ҳам хафа бўлиб гапга аралашди. Айниқса, масжиднинг супургисигача домла олиб беришини эшитганида:

— Бошқа номозхонлар ўлганми, домла,— деди азбаройи фигони чиқиб.

Гаплари нишонга урилаётганини сезган домла босинқи овоз билан:

— Ўз ақлича ҳеч қайсиси бир ишга қўл урмагач, нима ҳам дейсан уларга, ҳаммаси кап-катта, эс-хушли одамлар. Мана ҳозир масжиднинг шолчаси дабдала бўлиб ётибди. Шуни мен олиб бера

қолай дейдиган инсофли номозхон топилмаяпти-да, Аливой,— деди домла овозини яна ҳам аянчлироқ қилиб.

Али тажанг домланинг кўнглини олиш вақти келганидан суюниб:

— Шунисини биз олиб берсак қандоқ бўларкин, домла!— деди.

— Жуда жойида бўлади-да. Беш вақт номоз ўқиганининг савобини топар эдингиз,— деб юборди домла чехраси ёришиб.

— Бозор куни бошлаб дуо қиладиган бўлдингиз бўлмаса, домла,— деди Али тажанг ўтирган ерида чайқалиб.

У бозор куни шолча ўрнига катта кигизни аравага солиб келиб қолди. Бун кўрган домла уни номозхонлар олдида бисотидаги энг яхши сўзлар билан дуо қилди: «Олло таоло бирингизни ўн қилиб қайтаради, бола-чақангизнинг роҳатини кўрасиз...»

Али тажанг бу сўзларни эшитиб лабларини кулгидан йиғиштиролмай, кигизни масжиднинг бурчагига қўйиб чиқиб кетди.

Шу кигиз ҳали ёзилмасданоқ уч кундан кейин йўқолиб қолди. Уғри ҳам ноинсофлик қилиб қулфни буза қолмай, эшикни зулфини билан кўчириб ташлабди.

Бу «шов-шув» қишлоққа тез тарқалиб кетди. Али тажанг бундан хафа бўлиб, бир кун йўлда домлани учратганида:

— Кўп номаъқул иш бўлибди-да, домла. Тағин масжиднинг ўзида-я. Қандай аблах, инсон худонинг бу пок, марҳаматли даргоҳида шу ишни қилишга журъат этдийкин!— деди.

— Шунга ҳамма номозхонлар ҳайрон-да, Аливой. Биз ҳам ҳар номозда «кигиз яхшилигига буюрмасин», деб фотиҳа тортяпмиз,— деди домла ўксинган овозда.

Орадан бир ой ўтди-ку, кигиз ўғриси топилмади. Кигиз ҳақидаги «шов-шувлар» ҳам анча пасайиб қолди.

Бозор куни эрталаб бригадир Али тажангни «универсалчи Халил бригадамиз шийпонига ўзи катта рух самовар олмоқчи, бугун аравангда олиб кел», деб бозорга юборди. Али тажанг бозорда бир чеккага аравани қўйиб, ўзи Халилни қидириб кетди.

Бир жойга борса, одамлар уймаланишиб, бир нимани савдо қилишяпти. Али тажанг «бу нима экан» деб қизиқиб уларнинг олдига борди. Бўйи паст бўлганидан бўйнини чўзса-да, ўртадаги нарсани кўролмади. Одамларни ёриб ичкарироқ киргач, савдо қилинаётган буюмни кўриб бақариб юборди!

— Тўхта!

Одамлар ҳайрон бўлишиб унга йўл беришди. У сотувчининг олдига икки сакраб ўтиб ёқасидан олди:

— Қаердан олдинг бу кигизни, айт ҳозир!

Сотувчининг ранги мурдадек оқариб, дағ-дағ қалтирар, нур-

сиз кўзлари одамлардан нажот изларди. Али тажанг тобора авжига чиқарди:

— Айт деяпман халойиқнинг олдида аблах, бу кигизни қаёқдан олдинг?!

Сотувчи титраб-қақшаб:

— Домланинг уйидан,— деди секин.

Али тажанг яна тутоқиб кетди:

— Аҳ-ҳа, энди бегуноҳ одамни ўғри қилмоқчимисан, беномус. Қани, юр-чи, бўлмаса, олган жойингни кўрсатиб қўй менга,— деди кигизни ўзига кўтартириб. Одамлар жимгина уларга йўл беришди.

Бошлашиб араванинг олдига келишгач, Али тажанг кигизни аравага ташлади-да, «сотувчи»ни аравага ўтқазиб қўйди.

Ўзи бўлса отнинг сувлуқларини солишга кетди. Шу маҳал нота-ниш одам ўзини аравадан «гурс» этиб отди-да, жон-жаҳди билан қочиб қолди. Али тажанг кетидан бир-икки қадам босиб тўхтаркан, кап-катта кишининг қочиб боришини аянчли кузатиб қолди. Шу маҳал кимдир орқасидан унинг елкасига қўл қўйди. Қараса, Матқовул ота.

— Бозорда ҳам тажанглик қияпсизми, Аливой,— деди у кулиб.

— Э, отахон, сал кечикдингиз-да. Кигиз ўғрисини ушловдим-а, қочириб юбордим тагин,— деди Али тажанг афсусланиб.

Матқовул ота ҳайратланиб:

— Ҳозирги аравангизда ўтирган кишими, Аливой?— деб сўради.

— Ҳа, ўша. Танийсизми?

— Танийман. У киши домланинг қариндоши бўлади-ку...

Али тажангнинг вужуди қалтираб кетди... У ҳатто аравада ўтирган Халилни ҳам пайқамагандек, аравага чиқа отларга қамчи босди.

Йўлда мих қоқилган терак ҳам кигизга ўхшаб, масжидга ёпмоқчи бўлганларида ўғирланганини эшитиб баттар тутоқиб кетди.

Шу кетишда у тўғри домланинг уйини кўзлаган эди. Унинг мақсадини англаган қамроҳлари важоҳатидан юпатиш бефойдалигини англаб, аравада силкиниб боришарди...

МУЛЛАЖОН

(ҳажвий кўшиқ)

Бошда катта сават салла Муллажон,
Айёрликда тулки-далла Муллажон.
Олазарак — кўзи малла Муллажон,
Гоҳ тетик, гоҳ кайфда алла, Муллажон.

Муридлари кўпдир у ёқ-бу ёқда,
Келтиришар кўю эчки — туёқдан.
Саёқ юриб, сира толмас оёқдан —
Йиғар назр-ниёз, ғалла, Муллажон.

Тўй қилганни ёқтирмайди ҳеч жини,
«Таъзияда ўтса,— дейди,— ҳар куним».
Шунда бўлар «меҳнат»лари серунум —
Саводлари ўта чала, Муллажон.

Базми жамшид у кўзлаган макони,
«Оқу қизил» эрур ороми-жони.
Ёлғон гапга, сотаверар имонин —
Турмушини кўрсанг ҳийла, Муллажон.

АБДУЛЛА ИСОМИДДИНОВ

ОМАДСИЗ ОШИҚ

(Интермедия)

Бахтиёр (ширакайф):— Салом, Қори почча!

Қори:— Вааллайкум ассалом, ота ўғли, келсинлар. Қадамларига ҳасанот. Бемалол, бемалол. Пича мусалласи шампондан нўш қилгон кўринадилар. Зарари йўқ, бўтам. Тўқлик — шўхлик, дейдилар. Каминалари ҳам аҳён-аҳёнда, иштаҳа дегандай, жичча-жичча қилиб турадилар. Ичиб, бирор мўминга озод еткурмасангиз — айби йўқ. Қани, бўтам, эшитайлик, қандай шамол учириб кулба-мизга қадам ранжида қилдилар?

Бахтиёр:— Ўртоқ Қори, йўғ-ге, Қори почча. Мен, яъни Бахтиёр, сиздан маслаҳат сўраб келдим.

Қ о р и:— Падарингизга раҳмат, ўғил бола. Ўзимиз жамийи ки мушкулларингизни осон қиламиз. Қулоғим сизда, сўзланг.

Б а х т и ё р:— Кўриб турибсиз, мен бировдан ҳусн қарз оладиган таъвияйи-тараққос бедаволардан эмасман. Қошларим қундуздай, кўзларим юлдуздай.

Қ о р и:— Балли, ҳусн бобида Юсуф алай ҳиссаломни бир чўқишда қочирасиз.

Б а х т и ё р:— Лекин шундай бўлса ҳам қиз хусусида сира омадим келмаяпти. Барнохон деган бир жон офатини севиб қолган эдим, сира менга эътибор бермаяпти.

Қ о р и:— На дейди у тошбағир қиз?

Б а х т и ё р:— «Мени севсангиз, ё ишланг, ёки ўқинг», дейди. Гапга қаранг, мен ишлар эмишман! Бобойнинг дунёси етти пуштимга етади, ишлаб нима қиламан десам, у худди тарвуз танлаётган одамдай, бошимга тақ-тақ чертиб жўнаб қолди.

Қ о р и:— Вой аттанг, ғирт ғўр экансиз-ку, бўтам. Ҳа, вақтни ўткармай, дарҳол чертган нозик бармоқчаларини кўзингизга суртмайсизми, иссиғида изҳори муҳаббат қилмайсизми, ахир!

Б а х т и ё р:— Эй Қори ака, сиз билмайсиз. Қизи тушмагурнинг бағри темир-бетондан ҳам қаттиқ, кўз ёши таъсир қилмайди. Унга энди бошқа метод қўллаймиз. Барнохонни менга иситиб берасиз. Ҳозирча манови қовурғаси синмаганларни олиб туринг. Хоҳласангиз, «Ўғрини қароқчи урди»га билет олиб бераман.

Қ о р и:— Йўқ, йўқ, ҳозир томошага вақт йўқ, ифторлик кўп. Чиптасининг пулини бериб қўяқолинг, мулла Бахтиёр.

Б а х т и ё р:— Хўп, хўп. Мана... «Ласточка» деган конфет.

Қ о р и:— Жоним билан. Кампитти узатинг (битта конфетни оғзига солади). Бай, бай, баайни қаймоқнинг ўзи-я. Бун еганда қиз эмас, тош ҳам эриб кетади.

Б а х т и ё р:— Яна янглишиб, ўзингизни менга иситиб қўйманг.

Қ о р и:— Йўғ-е, мулла Бахтиёр. Энгагимиз бурнимиз билан ўпишиб ётибди-ку, бизга йўл бўлсин. (Қору кўзини юмиб дуо ўқийди, конфетга дам уради.) Мана, ошиқ йигит, севгилингиз кампитдан биттасини еса олам гулистон. Боши айланиб кўзи тинади-ю, мушук боладай ювош тортиб, ҳур-хур қилиб қолади. Ана ундан кейин кўрасиз; қўш ногора, қўш карнай. Куёв боланинг бошларида салла-ю, жиға. Белларида қўш белбоғ. Қўллар белда, турибдилар савлат тўкиб. Келин бола келяпти тол чивикдай буралиб. Бир томонда «тўй муборак», бир томонда «ёр-ёр».

Б а х т и ё р:— Войдод! (Оғзининг таноби қочади.) Раҳмат, Қори ака, нақд қилиб қўйдингиз. Ўзингиз тўй боши бўласиз!

Қ о р и:— Иншоолло!

(Бахтиёр конфетни олиб чиқиб кетади. Бир ҳафта ўтади. Бахтиёр Кориникига келади).

Қ о р и:— Келинг, мулла Бахтиёр, тўйга айтгани келдингизми?

Б а х т и ё р (йиғламсираб):— Балоними, азага айтгани келдим.

Қ о р и:— Ҳай, ҳай, совуқ нафас қилманг, иним. Нима гап?

Б а х т и ё р:— Дам солган конфетни Барнохонга бердим. Кўзимни бақрайтириб туриб икkitасини еди. Икки кундан кейин тўйга боринг, деб манови савил таклифномани берди. Кеча тўйи бўлиб ўтди (йиғлайди).

Қ о р и:— Лаббай, Барнохон билан сизнинг тўйингиз бўлиб ўтдими?

Б а х т и ё р:— Мени майна қияпсизми? Барнохон бир ўқитувчи йигитга тегиб кетди.

Қ о р и:— Тўхтанг, бўтам, тўхтанг. Кампитти қизга ўнг қўлингиз билан бердингизми, сўл қўлингиз биланми?

Б а х т и ё р:— Ўнг қўлимда бердим.

Қ о р и:— Ана холос! Ёўр экансиз, куёв бола, ёўр экансиз. Кампитти чап қўлда бериш керак эди. Чап қўл юракка яқин бўлади-да, бўтам. Ҳа, майли, рамазони шариф ўтсин, кейин, яна кампитдан кўпроқ олиб келасиз. Барнохонни қўлингизга қўндириб бераман.

Б а х т и ё р:— Бўлмайди энди!

НУРИЛЛА АЛИМОВ

ШАЙТОН ҚУВИШ

— Ҳожимат бува.., ҳо.., о Ҳожимат бува!

— Ўҳ-ҳў...— йўтал товуши эшитилди ичкаридан. Сўнг ҳирқироқ товушда уй эгаси жавоб берди.— Ким у дакан хўроздай қичқираётган? Оббо... тинкам қуриб турганда келишини буни...— Ҳожимат бува тиззасига таянганча ўрнидан туриб аввал деворни ушлади, иккинчи қўли билан енгил чопони орасидан белини уқалаб турди-да, эшик томонга йўналди.— Ҳа, санмисан, баччағар... Ўзиям овози хунук кимакан, дегандима.

Чақириб келган киши шундоқ қўшни йўлакда турувчи Абдусаттор мўйлов эди. У тўққиз қаватли уйнинг учинчисида туради. Аллақайси қурилишдами, ЖЭКдами водопроводчилик қилади. Ана шу Абдусаттор мўйлов деганлари ҳозир рангини бўзартириб еттинчи қаватда яшовчи Ҳожимат домланинг эшигини қия очганча худди ёш боладай кўзларини мўлайтириб турибди.

— Қўлингни чўнтакдан чиқар, бетаъсир, чиқар деяпман санга...

Чолнинг ит феълени яхши билган Абдусаттор қулини шимининг чўнтагидан чиқариб ишшайганча:

— Битта касал топгандим...— деди.

— Ҳиҳ... ҳм,— тупургудай йўталиб қўйди чол, кейин сўради:

— Қани ўша касалинг, келдими?!

— Келади... ҳозир келади...— Абдусаттор бармоқларини ишқаб ялтоқлик билан деди:— Аввал ҳақини чўзиб қўйинг, кейин чақираман.

— Тишлаган жойингдан узмай қўймайсан-да, мўйлов. Ма, ушла, қани, касалингни бошлаб кир бу ёққа...— домла қўйнидан тимирскилай-тимирскилай зўрға-зўрға, юрагини кесиб бераётгандай битта уч сўмлик чиқариб, Абдусатторга узатди. Пулни бераётганда афтини бужмайтирди-да, норози оҳангда тўнғиллаб қўйди:

— Каллаи саҳарлаб отибсан-да, бетаълим. Бунча араққа мункаймасанг. Аёлингнинг дод солганича боракан. Чиқ мундан. Уйимни инс-жинсларга тўлдирма...

Абдусаттор мўйлов хўп деди-ю, пулни ола солиб орқасига тисланиб уйдан чиқди-кетди. Кўп ўтмай бошлашиб уйга бир кампир билан ёши йигирма-йигирма иккилардаги йигит кирди. Аёл бошу юзига қалин эски рўмол ўраб олган, орқасида қўл қовуштириб тургани — ўғли бўлса керак, бошида дўппи. Анчайин сипо, бир қарашда чехраси сўлғинлигидан дардмандгайм ўхшаб кетади. Бу пайт домла инқиллай-синқиллай ўз жойига чордона қуриб ўтириб олганди. У дардига шифо излаб келувчиларни алоҳида: камбарроқ хонада тўрт қават пахтаси ўйнаб кетган кўрпача устида тасбеҳ ўгирганча кутиб оларди.

— Кираверинглар, бўталарим...— унинг ҳирқироқ товуши осто-нага аранг етиб келди. Она-бола ийманиб, қимтиниб-симтиниб ўша хонага киришди. Чол сап-сарик бурнига қўндирган кичкиңа гардишли кўзойнаги устидан мўлайиб кампирга қаради: унинг қўлида аллақандай тугунча. Тугунча дам-бадам қимишлаб қўяди. «Ё баҳовиддин, нимакин бу-а?!» домла ичида куф-суфлаганча тасбеҳ ўгириб қўяди. Йигит кампирдан орқароққа чўкка тушди. У аввалига ўтиришга ботинмади. Сабаби, хонадаги бетартиблик унга ғалати таъсир этган, кўнгли хира бўлганди. Лекин начора, онаси «чўк туш» дегандай имлаб чимирилганди, бош эга қолди.

— Хўш, келинлар, бўталарим...— юзланди домла Ҳожимат қироат билан. Гапни кампир бошлади:

— Абдусаттор бандангиздан эшитгандик. Сизни қора тортиб келдик, домла. Мана шу ўғлимни иши юришмайроқ қолувди. Шунга дам соп қўйсангиз дегандик... Дўхтирлага бориб юрмадик...— кампир сал бўлмаса, ҳасрат-надоматга ўтиб кетаёзди. Домла аввалига қулоқ тутиб турди-да, сўнг сабри тугаб гапни бўлди:

— Тушундим, тушундим,— бошини силкиб деди чол.— Уғлизга кўз теккан. Инс-жинс, ҳар хил шайтонлар бошини айлантириб қўйган. Ҳозир давосини топаман... Қани, кампир, хонадан чекилиб тулинг-чи.

Чол дарров гап бошлай қолмади. Олдин соатни ўзига яқинроққа суриб қўйди, тикилиб-тикилиб туриб худди кўзи ўтмагандай сўради:

— Неччи бўпти, бўтам?

— Саккиз..,— қисқагина жавоб қилди йигит. Шунда ичидан бир нарса тилиниб ўтгандай бўлди. Қорин оч. Чойиниям ичирмай онаси олдига солиб бу ёққа бошлаб келган, домла дам солиб берган тугунчадаги қанд-курс, исирикминан чой ичасан, деганди.

Домла Ҳожимат неча бор тасбеҳ ўгирди, йигит санайвериб саноғидан адашиб кетди. Ҳар дона шақ-шақ этиб тушганда чолнинг соқол-мўйлов туклари титраётгандай кўринади.

— Дардингиз нима, бўтам,— қироат билан сўради яна домла.

— Аши... ишим юришмайроқ турибди...— деб бўшашиб жавоб қилди йигит. Кейин домланинг оғзини пойлади. Ҳозир шайтон қувишни бошласа керак, деб ўйлади. Аксинча, домла гапдонроқ эканми, сўрашда давом этди:

— Арақ ичасизми?

Йигит чўчиб тушди.

— Ҳа, энди йигитчилик, унда-мунда...— деб жавоб қилди у. Кейин «нимаиди» дегандай бақрайиб домлага тикилиб қолди.

— Ҳм... арақ куфр нарса-ку, бўтам. Ҳозир арвоҳлардан сўрадим, елкангизга шайтон минибдир,— деди домла.— Туриб анави деразани сал қиялаб очиб қўйинг.

Йигит дик этиб ўрнидан турди. Бориб кўча томондаги ойна тирқишини кенгайтириб келди.

— Ўтиринг... ва гапларимга қулоқ тутинг. Ҳозир мана шу соатга қараганча қасида ўқийман. Ҳар байт тугаганда дилиздан чиқариб «иншоолло» деб қўясиз. Хўпми, бўтам. Ҳа, баракалла. Шундоқ десангиз елкангиздаги шайтонлар қочиб ҳалиги тирқишдан чиқиб кетишади.

Йигит чўкка тушганча ўтириб бош силкиди. Домла «пичир-пичири»ни бошлади. Вақт имиллаб ўтгани сари йигитнинг тиззалари оғрир, оғирлигини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа солмоқчи, шу билан амаллаб вақт ўтказмоқчи бўларди-ю, домланинг ўкрайиб қарашидан чўчирди. Ана, у ниманидир ўқиб икки томонга, сўнг унинг афтига қараб «куф» деди, совуқ ел аралаш тупук бетига сачради. Йигит ижирғанса-да, ўзини босди. Билинтирмай костюми чўнтагидан дастрўмолини чиқариб бетини артди. Домла яна кўзларини юмиб-очиб аллақандай қасида ўқир, кимлардандир ёлвориб,

йигитнинг гуноҳини сўрар, баъзан шифтга тикилганча қўлларини чўзиб «кет», «кет» дерди.

«Шайтон қувиш» бошланганига ярим соатлардан ошиб қолди. «Қасидахўр»ликнинг охири кўринмайди. Энди йигит ҳам соатдан кўзларини узмай қолди. Домла нима деяпти, нимани ўқияпти, қулоғига кирмасди. Бутун хаёли чол тезроқ ўқишни тугалласа-ю, оладиган пулини олиб, жавобини берса. Йигитнинг хаёлига бирдан «домла ўқиганига қанча оларкин?» деган фикр келди. Тагин берадиган уч сўмми ё беш сўмми пулига қаноат қилмаса-я. Ярим соатдан ортиқ шайтон қувиб ўтирибди ахир. Анча-мунча пул сўраса керагов?! Йигит тимирскиланиб қолди. Секингина қўйин чўнтагига қўл суққанди, битта уч сўмлик билан беш сўмлик илинди. Ранги ўчинқираб домлага кўз қирини ташлади. Ҳожимат домласи тушмагур сезгир экан, уй тўрига бурилиб ўтирганча қасида ўқияпти-ю, киши билмас йигитнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турибди.

— Пулдан қалайсиз? Ҳойнаҳой, ҳамён тўла ақчадир-а!?

— Бе, қаёқда домла,— ёлғонга ўтди йигит.— Ойликни ўтган куни қоқиб олганлар. Ҳозир уч сўмдан бўлак пул қолмабди ёнимда.

— Уч сўм!— кўзлари ола-кула бўлиб кетди домланинг. Тасбеҳ доналарини ўйнаётган бармоқлари титраб кетди.

— Бор-йўғи уч сўм пулга шайтон қуваманми?! Инсофминан-да бўтам, шайтон қувишнинг ўзи бўлмас. Ҳм... ҳм... Елкангизда ўтирган шайтонни қуваман деб ярим соатдан ортиқ жавраёпман ахир. Чиқаринге, бу ёққа кўпроқ. Йигит деганнинг моли ерда, деганлар. Бўлмаса шайтонлар тагин елкангизга чиқиб олади.

Йигит икки юзи дув қизарганча чўнтақларини обдон кавлаштирди. Бўлмади, ҳалиги уч сўму, беш сўмликдан бўлак пул йўқ экан. Шуни олиб бера қолди домлага. Ҳожимат домла ичда мамнун, ташида эса ҳамон ўша бадқовоқлик билан йигитга қараб турарди. У яна бир қанча панднамо гапларни айтишга ихтиёр этганди, ўрта эшик ғийқиллаб очилиб қолди. Кампирнинг яримта юзи кўринди.

— Келинг, янга, келинг, кираверинг,— деди домла кўзларини кампирнинг қўлидаги тугунчадан узмаганча. Тугунча ўлгур типирчилагани типирчиланган. Қари Ҳожимат тушмагур кўзойнаги устидан ҳам, остидан ҳам қарайвериб чарчади. Охири сўради:

— Қўлиздаги нима, янга?! Мабодо...

Кампир гапни бўлди:

— Битта-ю битта товуғим борида, домла. Шунга кўз текканми, нима бало, тухум қилмай қўйди. Дам соб қўярмикансиз, деб опкелгандим.

— Кўз тсккан товук тухумини еб бўларканми?— тўнғиллади домла.— Товук дегани оллони қўш қанотли махлуқи. Одам эмаски, дам солсаму, йўрғалаб кетавурса... Сиз уни бу ёққа беринг, бу ёққа беринг... Ҳа, шундоқ, шундоқ... Бу парранда-даррандаларга уч куну уч кеча дам солиш керак.

Домла тушмагур амаллаб кампирни кўндириб товугини олиб тургандики, кўча эшик тақиллаб, ғўнғир-ғўнғир овоз келса бўладими?

— Ёпирай, бу ким бўлдийкин? Деразадан қочиб чиққан шайтонлармасмикан?— шошилиб қолди Ҳожимат домла гарчи кўчадан келган овоз эгасини таниб турган бўлса ҳам. Ранг-қути ўчганча тиззасига таяниб ўрнидан турди, зошилганидан, қаршисида қўл қовуштириб ўтирган йигитга товукни тутқазаркан, деди:

— Буни... буни айвонга опчиқинг, бўтам. Учиб кетмасин... Ҳа, ҳа, бўлинг, тез-тез...

Домла илдам бўлиб қолди. Эшикни очган эди ҳамки, у ёқдан сўкиниш, бақириқ-чақириқ товуши келди. Оёқда аранг турган Абдусаттор мўйлов шеригини судраб ичкарига бошлаб кирмоқчи бўларди-ю, эплломасди.

— Қа-ани... ю.... жур... домлага айтаман, дам соп қўялла санга... а... а!!!

Шериги эса орқасига тисарилгани тисарилган. Икковининг кийим-бошига қараб бўлмайди. Ҳожимат домла бир дақиқа анграйиб қараб турди-да, ичдан кулгиси келса-да, бегона одамлар олдида сир бой бергиси келмади.

— Ҳов, баттоллар, қаёққа келганларингни биласанларми ўзи?

— Биламиз,— эшикка суяниб туриб олди Абдусаттор мўйлов.— Ҳожи-мат бу-во, шайтон қувган домланикига келдик-да! Дўстиззи ўғлини опкелдим сизга. Мана ўзи... отасига ўхшайдими? Ухшайди-а. Нақ копия... Ҳиқ... Ит феълиям отасига тортган...

Абдусаттор мўйлов афт-ангорини мўй босган, ёқавайрон шеригининг елкасидан тортди. Сал бўлмаса, йигит йиқилиб тушаёзди.

— Ҳў... мўйлов, отам санга нима девдила... гапир,— деди шериги. Домла унинг нуқсига қараб туриб ранги ўчди. Белини ушлади. Ахир бу бир вақтлар ёшлик кезларида олибсотарлик қилиб қамалиб кетган дўстининг катта ўғли-ку! Домланинг кўз олдидан ёшлик кезларда узумфурушлик қилгани, Тошкент бозорлари қолиб узоқ Сибирь деган жойлардаги бозорларга ҳўл мева, қовун-тарвуз олиб бориб сотган кунлари ўтди. Ушанда ўртоғи қўлга тушиб қолди, ўзи эса бир амаллаб қутулиб кетганди бу фалокатдан. Шундан сўнг тўнини ўзгартириб, домла-имомликка ўтиб олганди. Қариман, умрим заҳматда ўтган, дея амал-тақал қилиб шаҳардан мана шу икки хонали уйни олди. Уй олди-ю,

еттинчи осмонда ўтирибман, қасида ўқиб инс-жинслару шайтонларни ҳайдайман, деб овоза қилди. Абдусатторга ўхшаган нодон, ишёқмаслар унга мурид бўлишди. Муридлар лақма кишиларни ишонтириб, фалон жойда нафаси ўткир домла бор, деб уларни Ҳожиматнинг олдига бошлаб келадиган, ўтмиши чайқовчиликда ўтиб, соч-соқоли оқарганда шайтон қувадиган қилиқ чиқарган Ҳожимат эса оғзига келганини қасида деб одамларни шиладиган бўлиб қолди.

Ҳожимат чол қаршисида безрайиб ҳақини талаб қилиб турган йигитдан қаттиқ кўрқди. Назарида бу йигит аллақандай маст-аласт эмас, ҳозир ўтмишда қолиб кетган гуноҳларини бўйнига қўйгани келган асроилдай тикилиб туради унга. Чол ҳушдан кетиб орқасига йиқилди. Агар кампирнинг ўғли ушлаб қолмаганида ким билади, балки боши ёрилармиди. Кампир кўрқиб кетди. Йигитнинг қўлидаги товۇқ потиллаб ўзини ташқарига отди. Бир зумда уй қий-чувга тўлди...

МУРОД КАЛОНХОНОВ

МУЛЛА

Бўлсами лақма ҳар киши
Муллага тушгай кўп иши,
Бошин эгиб ўлтириши,
«Панд»га қулоқ солмоқ учун.

Домла қилур пичир-пичир;
«Эзибички ичир-ичир».
Аслида кафтлари қичир,
Улгуржи пул олмоқ учун.

Гўё этиб лутфу карам,
— Бўлмай десанг сен сира кам,
Садақа бер,— дер дам-бадам
Боринг шилиб қолмоқ учун.

Фарзанд тилаб келса жувон,
Айлар қабул мисли шайтон.
Имлар нуқул бурчак томон,
Хилватда «дам солмоқ» учун.

Ўйнаб турар доим кўзи,
Расво, хотинбоздир ўзи,
Айтган унинг ҳар бир сўзи
Билсанг, пулга қармоқ учун.

Дўстлар, кўринг, мулла ёмон,
Борманг сира ҳеч у томон.
Ким борса борсин, ногоҳон —
Дармон қуриб, толмоқ учун.

Муллаю домла элга ёт,
Қўйманг унга ҳеч эътиқод.
Ёзди бу шеърини Мурод
Дилдан рост гап айтмоқ учун.

МУҲАММАД ПИРРИЕВ

КУЙГАН СОҚОЛ

ривоят

Қадимда бир мадраса имоми талабаларга сабоқ бериб, уларни нукул оят, суръаларни қироат билан чўзиб ўқишга ўргатар экан. Шошилганларни эса юлғин хивич билан аямай тушираркан.

Бир куни сабоқ чоғида фалокат босиб, имомнинг кўзи пинакка кетибди. Боши эгилиб, довод четида липиллаб ёниб турган шамдан кўкрагига тушиб турган салласининг сепанжи ёна бошлабди. Шунда бир талаба қироат билан:

— Мул-ло-миз... сал-лан-гиз.., — дегунича ўт пов этиб сепанждан имомнинг соқолига ўтибди.

Имом сапчиб уйғониб, соқолини тутамлайман деса, бозиллаб, ачишиб турган яйдоқ даханидан бўлак ҳеч вақо йўқ эмиш. У «Эҳ, соқолсиз имом ҳам имом бўптимми?!» деб жаҳлга минганидан қироат қайтараётган талабани хивчин билан савалай кетибди:

— Ҳў-ў лаънати, тезроқ айтсанг ўлармидинг?!

— Тақсир, ўз-ўзингиз.., қироат билан.., — дебди талаба зўрға дудуқланиб.

Имом унга тағин хивич ёғдирибди:

— Ҳў, бемаъни қироатингни мендан бўлак имомнинг соқолига ўт кетганда айтасан.

СИРЛИ ҚОВОҚ

(бўлган воқеа)

Ўғли Асқаралининг бетоб бўлганидан Зулайҳо ташвишга тушиб, шаҳар чеккасидаги Чилдирма париникига борди. У эшикдан кирса пари бошқа бировга ром очиб, гап уқдираётган экан. Зулайҳо остонадан ҳатлаб, ҳовлига тиз чўкканича Чилдирма парининг ишларини кузатди. Пари чилдирмани икки марта дапиллатганди, ўртадаги ариқдан сув қовоқ оқиб келди-да, унинг ёнида тўхтади. Чилдирма пари қовоқ ичидан тумор олиб, ҳалиги аёлга тутқазди.

— Қани, атаган назрингизни беринг,— деди аёлга. Аёл нимчаси чўнтагидан битта ўн сўмлик чиқариб берганди, чилдирма пари ҳалиги қовоққа уни ташлади. Кейин яна чилдирмани дапиллатганди, қовоқ келган томонига қараб, тескари оқиб, пахса девор тагидаги қувурга кириб кетди.

Буни кўрган Зулайҳо ёқа ушлаганича ҳайрон бўлиб қолди. Чилдирма пари ҳалиги аёл кетиши билан унга юзланди:

— Келинг, бўтам, ўзингиз соппа-соғсиз, бирор кимингиз бетобга ўхшайди,— деб саннай кетди.

— Ўғлим уйда иситмалаб ётибди, шунга олдингизга келдим.

— Исми ким?

— Асқарали!

— Ё маккирларим, Асқаралининг дардини айтинглари!— дея Чилдирма пари бошига оқ дока рўмолини ёпиниб, овозининг борица бақирганди, ариқдан қовоқ яна оқиб чиқди. Қовоқ парининг рўпарўсида тўхтади. У қовоқ ичидан бир қоғозни олиб ўқий бошлади:

— Ўғлингизни шайтонлар бўғибди, ўшаларни қувадиган дуо ёзилган тумор керак, сингилжон. Бунинг учун эртага хитой чинни лаган топиб, девзира гуручидан ош дамлаб келасиз, маккирларим келадиган хонага қўйиб, шайтонни қувадиган дуони билиб оламан. Шундай қилинг синглим, ҳозирчалик иримига назр ташлаб кетинг.

Бу гапдан кейин Зулайҳо ҳам битта ўн сўмликни узатиб, ҳовлиққанича ўрнидан турди. Бозорга бориб, хитой чинни лаганини ахтарди, тополмади. Қўни-қўшнилاردан суриштирса қўшни маҳалладаги Эрмат отанинг неварасиникида кўрганмиз, дейишди. Ахтариб, Эрмат отанинг неварасиникига борди.

— Укажон, шу сизда хитой лагани бор экан, бизга зарур бўлиб қолди. Ё сотинг, ё ўрнига ўрин иккита лаган олин!

— Сотмайман ҳам, бермайман ҳам. Бу лаган бобокалонларимиздан ёдгорлик.

— Унда нима қилдим?

— Жуда зарурми?

— Жуда.

— Зарур бўлса, Сўх бозоридаги Чилдирма парини эшитганмисиз?

— Ҳа, биламан.

— Билсангиз, ўшанинг қизиникига боринг. Улар доим хитой чинни лагани сотишади.

Зулайҳо бир зум ўйланиб қолиб, кейин хайрлашиб чиқиб кетди. Хитой чинни лагани сотилишини эшитиб, Чилдирма паридан нимагадир шубҳаланди.

Эртасига оддий чинни лаганга ошни сузиб, ўғлини етаклаб Чилдирма париникига борди.

— Лаган тополмабсиз-да,— деди пари ош тугилган дастурхонни ечиб.— Мен ош ейилганидан кейин хитой чиннисини чертаман, маккирларим ўйин тушиб, керакли дуони ўргатадилар. Бу лаганингизни чертганда жарангламайди, ахир.

— Тополмадим, бу ҳам жаранглаб қолар,— деди Зулайҳо ялингансимон.

— Майли, уришиб кўраман,— дея пари болани рўпарўсига ўтказиб чилдирмани уч марта дапиллатганди, қовоқ ариқдан оқиб чиқди, унинг устига лагандаги ошни қўйди-да, пари бир марта чилдирмани урди, қовоқ чиққан томонига кириб кетди. Пари болага қараб, алланарсаларни айтиб, санай бошлади. Асқаралининг томоғи худди ўтин кесаётган арранинг овозидек хирилларди.

— Маккирларим дуо айтинглар, Асқаралини бўғиб турган шайтон жинларнинг оёғига кишан тушсин! Ҳув-ҳа-хув-ҳа!

Парининг бу бақирғидан кейин ариқдан қовоқ яна оқиб чиқди, Зулайҳо синчиклаб қараса, қовоқ бир тизгинчага боғланган экан. Пари ундан бир хатни олиб бошини сарак-сарак қилди.

— Қизим, дуо чиқмади, мана ёзувсиз оқ қоғознинг ўзи. Хитой чинниси топмасангиз бўлмайди.

— Бозордагилар айтишди, қизингиз хитой чинниси сотаркан, ўшандан ола қолай.

Пари Зулайҳонинг бу гапидан ўнғайсизланиб, қўлидаги оқ қоғозни яна ариқдаги қовоққа ташлади-да, чилдирмани бир урганди, қовоқ келган томонига оқиб кириб кетди. Зулайҳо уни кузатиб турди. Зулайҳонинг кузатиши Парига хуш келмаганидан деди:

— Энди хитой чинниси топишингизнинг ҳожати йўқ, маккирларим сиздан юз ўгиришди, бўлмайди.

— Тавба, маккирлар эмас, қизингиз юз ўгиргандир. Сирли қовоғингизнинг чилвири ҳам қизингизнинг қўлида экан. Эсиз ўн сўм, эсиз бир лаган ош! Юр, ўғлим, дўхтирға!

Зулайҳоннинг кетидан пари лом-мим демай ўй суриб, тикилиб қолди.

МУНДАРИЖА

ҲАМЗА. Рўза тутдим. (Азимхўжа бинни Тош- хўжа эшоннинг оғиз боғлашлари) .	3
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ. Рўза, ифтор, хатим, закот	4
ҒАФУР ҒУЛОМ. Энг расво намози-аср .	6
УЙҒУН. «Шакар домудла»	10
АБДУЛЛА ҚАҲҚОР. Ўзинг шифо бер! . .	11
ҒАЙРАТИЙ. Маҳзум қочди	13
ЧАРХИЙ. Қолдиму	16
АКРОМ ҚОДИРИЙ. Арвоҳлар	17
МИРМУҲСИН. Ифвогар у дунёда . . .	21
САИД АҲМАД. Колбаса қори	24
УСМОН УМАРЗОДА. Домла «уйландилар» .	28
АББОС МУҲИДДИН. Довдираш	31
ОЛИМ ҚҮЧҚОРБЕКОВ. Кўринг	35
САИД РАВШАН. Панд еди	35
МУРОД ПАРПИХЎЖАЕВ. Ўкинч	38
ҲОЖИ МАШАРИПОВ. Муллажон	42
АБДУЛЛА ИСОМИДДИНОВ. Омадсиз ошиқ .	42
НУРУЛЛА АЛИМОВ. Шайтон қувиш . .	44
МУРОД КАЛОНҲОНОВ. Мулла	49
МУҲАММАД ПИРРИЕВ. Куйган соқол . .	50
УМАРЖОН ҲАЛИМОВ. Сирли қовоқ . .	51

Библиотечка «Муштума» № I

На узбекском языке

Коллектив

«ЖЕНИЛСЯ МУЛЛА»

**(Сатирические и юмористические рассказы,
интермедии и стихи)**

ИБ № 45

**Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1987**

**Редактор О. Қўчқорбеков
Рассом А. Қамбаров
Тўпловчи А. Жўрабоев
Техн. редактор Г. Ломиворотова
Корректор З. Турсунов**

Теришга рухсат берилди 26.12.86. Босишга рухсат этилди 11.02.87.
Р 10597. Формати $84 \times 108^{1/32}$. Қоғоз № 2. Гарнитура журнальная
рубленная. Юқори босма. Шартли босма листи 2,94. Нашриёт ҳисоб
листи 3,1. Тиражи 44000. Заказ № 13. Баҳоси 20 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси,
Тошкент, Ленин кўчаси, 41.

